Как известно способы получения Na-КМК можно разделить на так называемые "твердофазные", "водные" (осуществляемые в водных средах) и "суспензионные" (осуществляемые в среде органического растворителя) [2]. При этом целью всех известных технологий получения Na-КМК является улучшение потребительских свойств полученного продукта, например, их растворимости, повышения содержания основного вещества, технологичности и экономичности производства. В работе для получения Na-КМК было использовано твердофазный метод карбоксиметилирования нативного крахмала. Реакцию карбоксиметилирования проводили взаимодействием кукурузного крахмала с натриевой солью монохлоруксусной кислоты (Na-МХУК) в присутствии NaOH. При этом обнаружено, что степень замещения образующегося Na-КМК полученного методом твердофазной модификации крахмала заметно ниже по сравнению с другими методами, но преимуществом данного метода является его технологичность и экономичность. Полученные в работе образцы Na-КМК представляют собой порошки белого цвета, хорошо растворимые в воде при комнатной температуре образуя однородные прозрачные высоковязкие растворы, которые устойчивы при длительном хранении. А водородная форма карбоксиметилкрахмала (H-КМК) хорошо набухает в воде при комнатных температурах образуя гелеобразную массу, для растворения которого необходимо поднять температуру раствора до 40-50°C (температура клейстерообразования исходного крахмала 75°C).

Для идентификации полученных продуктов были сняты ИК-спектры H-КМК с различной степенью замещения. ИК-спектры образцов полимеров регистрировали на спектрофотометре "IR-Prestige 21" в таблетках из KBr. При сопоставлении ИК-спектров выявлено заметные различия в спектрах H-КМК и нативного крахмала. В спектре H-КМК наблюдаются интенсивные полосы поглощения в области 1600, 1440 и 1325 см⁻¹ которые

относятся к колебаниям -COOH групп. При этом с повышением степени замещения Н-КМК интенсивности полос поглощения соответствующих карбоксильной группе Н-КМК также увеличиваются. Следовательно, ИК-спектроскопические исследования образцов полученного в работе Н-КМК указывает на образование целевого продукта.

С целью определения структурных изменений происходящих в крахмале после модификации было проведено рентгеноструктурный анализ образцов Н-КМК с различной степенью замещения и исходного крахмала использованного для модификации. Рентгенограммы образцов снимались на рентгенном аппарате ДРОН-3, при длине волны 1,54

Å. Анализ полученных дифрактограмм показало, что в дифрактограмме крахмала имеются четкие пики в области 18 и 27°, что свидетельствует о наличии в его структуре кристаллических фаз. В дифрактограмме образца Н-КМК со степенью замещения $\alpha = 20$ пики соответствующие кристаллическим областям сильно сглаживаются. А в дифрактограмме Н-КМК со $\alpha = 80$ пики полностью отсутствуют. Это показывает, что данный образец имеет полностью аморфную структуру.

Промышленные испытания полученных образцов Na-КМК в качестве загустителя проводили в отделочном цехе текстильного комбината ОАО «Dukhara Driliant Silk» расположенного в Бухарской области. Для этого была приготовлена композиционная полимерная загустка на основе Na-КМК и Na-КМЦ производства предприятия «Карбонам». Na-КМЦ в смесь добавляли с целью уменьшения себестоимости комплексного загустителя. Хотя Na-КМЦ сама и образует высоковязкостные растворы его использование в чистом виде для печатания ткани активными красителями нежелательно, так как низкая структурированность печатных красок на основе Na-КМЦ, способствует глубокому проникновению печатной краски в ткань, что приводит к понижению поверхностной окраски ткани. Поэтому в большинстве случаев при печатании ткани активными красителями Na-КМЦ добавляют как вспомогательную соединение. При производственных испытаниях было изучено влияние комплексного загустителя на выход цвета и их смываемости (улучшение грифа) при печатании ткани различными активными красителями.

Промышленные испытания показали, что разработанная полимерная композиция на основе смеси Na-КМК и Na-КМЦ по некоторым параметрам превосходит традиционную крахмально-метасиликатную композицию. Яркость печатного рисунка, полученного с использованием предлагаемой загустки выше по сравнению с традиционной. Печать с новой загусткой по прочности к мокрым обработкам не уступает печати с ходовой крахмальной загусткой. Применение новой загустки при печати по фланели позволяет получать более мягкий гриф ткани по сравнению с образцами, напечатанными с ходовой загусткой. Опыты показали, что смываемость загустителя также были в среднем 30% выше при печати предлагаемой загусткой.

Литература

1. Сенахов, А.В. Физико-химические основы процесса печатания текстильных материалов// А.В. Сенахов. — М.: Легпромбытиздат, 1986. — 208с.
2. Жушман А.И. Химическая модификация крахмала для технических целей// Эфиры целлюлозы и крахмала: синтез, свойства, применение: матер. 11-й междунар. научно-технич. конф. Владимир, 2007. С. 37-64.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ДИДАКТИК МОҲИЯТИ

Акбарова Муаттархон Тилаволдиевна, Мақсудов Жавоҳир

Akbarova72m@mail.ru

Ўзбекистон Миллий университети Кимё факультети


Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли - бу машғулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб ҳисобланмоқда. Хуш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар қандай дидактик имкониятларга эга? Таълим жараёнида интерфаол методларнинг ўринли, мақсадга мувофиқ, қўлланилиши қандай самараларни кафолатлайди?

“**Интерфаол**” тушунчаси инглиз тилида “interact”(рус тилида “интерактив”) тарзида ифодаланиб, луғавий нуқтаи назардан “inter” - ўзаро, “act” - ҳаракат қилмоқ каби маъноларни англатади.

Интерфаол таълим - талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим.

Интерфаоллик талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгалликлари. Мантиқий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг суҳбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятни олиб боришларини ифодалайди.

Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам суҳбат (диалог)га асосланган ва бу суҳбат қуйидаги ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади:



Анъанавий таълимда ташкил этиладиган суҳбат

Интерфаол таълим технологиясида таълим жараёнининг асосий иштирокчилари - ўқитувчи, талаба ва талабалар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгаллик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, "ўқитувчи - талаба - талабалар гуруҳи"нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

Интерфаол таълим технологиясини қўллашда суҳбат қуйидаги кўринишда ташкил этилади:

Интерфаол таълимдаги суҳбат	Талаба-талаба (жуфтликда ишлаш)
	Талаба-талабалар гуруҳи (гуруҳ ёки кичик гуруҳда ишлаш)
	Талаба-талабалар жамоаси (синф, гуруҳ жамоасида ишлаш)
	Талаба-ахборот-коммуникацияон технологиялар

Интерфаол таълим технологиясини таълимни қўллашда ташкил этиладиган суҳбат (диалог)

Интерфаол таълим технологиясида моҳиятига кўра суҳбатнинг “Талаба - ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши талабалар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи

рахбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади.

Ўқув жараёнининг интерфаол таълим технологиясидага асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда, ҳатто “болалар ўйини” каби таассурот уйғотади. Бироқ бунда ўқитувчининг маълум даражада қуйидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади:

Асосий омиллар	
Иш тажрибаси	Методик малака
Таянч педагогик-психологик	Ташкилотчилик қобилияти
Дидактик воситалар (ахборот, тарқатма материаллар, дарс	Талаба ва талабалар гуруҳи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг
Талаба ва талабалар гуруҳининг ўзаро ҳамкорликка эриша олиши	Таълим жараёнида демократик ғояларнинг устувор ўрин тутиши
Ахборотларни тақдим этишда хилма-хил метод, воситаларнинг самарали, ўринли, мақсадга мувофиқ ва ўзаро мосликда қўллашга эришиш	

Шу билан бирга интерфаол таълим технологиясини қўллаш самарадорлиги қуйидаги иккиламчи омилларга ҳам боғлиқ:

Иккиламчи омиллар	
Ўқувчиларнинг дарсга психологик тайёрликлари	Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси
Ўқувчиларнинг муайян даражада ҳаётий тажрибаларга эгаликлари	Ўқувчиларнинг тенгдошлари ва ўқитувчи билан ҳамкорлик қилишга мойилликлари
Ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан қўйиладиган талабларга бўйсунуш	Ўқувчиларнинг дарсга нисбатан масъулиятли ёндашишлари,

Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим технологиясида ёрдамида талабаларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол таълим технологияни қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали ҳолис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

Шундай қилиб, интерфаол таълим технологиялари таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи, талаба, талабалар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчи (талаба)нинг ички имкониятларини руёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга. Интерфаол таълимнинг энг муҳим таркибий элементи бўлган интерфаол методлар ўз моҳиятига кура таълим мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминлайди. Энг муҳими ўқитувчилар интерфаол методларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим булган масалага эътибор қаратишлари лозим. Қолаверса, интерфаол методларни қўллашда талабаларнинг йўналиши, ёши, психологик хусусиятлари, дунёқараш даражаси, ҳаётий тажрибалари инobatга олинса, дарс самарадорлиги янада ошади. Бу эса ўқитувчилардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезгирлик ва интуицияга эга бўлишни тақозо этади.


1-NAFTILALLIL EFIRINING SINTEZI VA UNING IZOMERLANISHI

Zokirov S.O., Tojimuhamedov H.S., Azimova G.Z., Tongotarov M.N.
O'zbekiston Milliy universiteti


Naftollarning allil hosilalari o'zining ajoyib biologik xossalari bilan alohida ahamiyatga ega, masalan, ular sil tayoqchalariga nisbatan faolligi va siklooksigenaza I va II ni ingibirlash samaradorligi bilan ajralib turadi, farmasevtika preparatlari, agroximikatlari (geteroaromatik va aromatik funksional guruhlar tutgan) olishda alohida o'rin tutadi. Bunday nozik kimyoviy moddalarni sintez qilishda allil spirtlarning efirlari bilan allillash usuli eng qulay va fundamental usullardan biri hisoblanadi. Ayniqsa fenollarni allillash mahsulotlari o'zining fiziologik aktivligi va foydaliligi bilan e'tiborga loyiqdir. Shu bois naftollarni allillash reaksiyalarini o'rganish ahamiyat kasb etadi.

So'ngi yillarda O'zbekiston Milliy universiteti organik kimyo kafedrasida allilnaftol sintez qilishda dastlab naftilallil efiri sintez qilib so'ngra uni izomerlash orqali allilnaftollar sintezi amalga oshirildi. Reaksiyani amalga oshirish quyidagi bosqichlarda amalga oshirildi:


1. Dastlab 96% li etil spirit va natriy 10:1 mol nisbatda olinib, sovutib turgan holda reaksiya olib borildi:



2. Hosil bo'lgan reaksiyon aralashmaga 0,1 mol α -naftol solinib, suv hammomida, teskari o'rnatilgan kolbada 30 daqiqa davomida reaksiya olib borildi:




3. So'ngra kolbaga tomchilatib allil bromid qo'shildi. Reaksiyaning shiddat bilan ketganligi kuzatildi va cho'kmaga NaBr tuzi tushdi. Reaksiyon aralashma uch soat davomida qaynatildi. Reaksiya natijasida yagona mahsulot naftilallil efiri hosil bo'lganligi YQX da tekshirildi. (Sistema = benzol:metanol $R_f=0,87$)




Naftilallil efirini ajratib olish uchun reaksiyon aralashma sovugach filtdan o'tkazildi, so'ngra etil spirt haydaldi. 96% unum bilan naftilallil efiri hosil bo'ldi.


Naftilallil efirining izomerlanishi o'rganildi. Bunda katalizator sifatida $1 \cdot 10^{-4}$ mol $\text{FeCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ va erituvchi sifatida benzoldan foydalanildi.



Reaksiya magnitli aralastirgichda 7 soat davomida olib borildi. Har soatda YQX natijalari olindi. Bunda 1 soatdan so'ng 2-allilnaftol-1 ga dog' paydo bo'ldi. 3 soatdan so'ng esa 4-allilnaftol-1 ga xos dog' paydo bo'ldi:



$R_f=0,75$ (naftolallil efiri); $R_f=0,84$ (2-allilnaftol-1); $R_f=0,28$ (4-allilnaftol-1).



Rasm. Reaksiya borishining YQX tahlili.

Reaksiya tugagach, reaksiya aralashma suv bilan yuvilib, benzol qavatli qavatdan ajratildi. Bunda reaksiya davomiyligi oshgan sari 4-allilnaftol-1 ning miqdori oshib borganligi kuzatildi.

O-allillash mahsulotining mahalliy katalizator oz miqdordagi $FeCl_3 \cdot 6H_2O$ ishtirokida C-allil mahsulot olishning yangi imkoni ochildi. Izomerlanish reaksiyasi natijasida yuqori unum bilan C-allil mahsulot hosil bo'lishi isbotlandi.

Adabiyotlar:

1. Rhodium- and Iridium-Catalyzed Allylation of Electron-Rich Arenes with Allyl Tosylate Nafui T. Yagura Y. Tetsuo S. Yoshio I. Synlett 2003, No. 10. 1431-1434

STUDY OF ALKALOIDON PLANT ACONITUM SEPTENTRIONALEA

Tursunov Zh.I.^a, Abdumamatov A.A.^a, Eshbakova K.A.^b

^a*Fergana State University, Teacher, Uzbekistan, Fergana,*


e-mail: bioximik1177@mail.ru

tel: (91)113-66-40

^b*Institute of Chemistry of Plant Substances named after Acad. S.Y. Yunusov*

A useful alternative source of natural steroids for scientific and practical purposes may be the waste of targeted extraction of a medicinal plant in industrial quantities. In particular, to obtain the substance of the drug "allapinin" in the experimental production of the Institute of Chemistry of Plant Substances a large amount of alkaloid-bearing plant *Aconitum septentrionale* is extracted.

From the post-extraction industrial waste of the alkaloid-bearing plant *Aconitum septentrionale*, β -sitosterin of the composition $C_{29}H_{50}O$ was isolated; 135-137°C and new phytosteroid 24S – ergost-4-ene-3,6-dione (pic.).



The structure of the isolated compound was established by X-ray diffraction analysis, the 1H and ^{13}C NMR spectrum data and IR spectroscopy are analyzed and analyzed. Disorder of the atoms of the terminal 24-methyl, 24-isopropyl group is observed in the crystal structure of the steroid, which is fixed in two positions in the ratio 0.55-0.45.

Literature

1. Yunusov MS, Bashkir Chemical Journal, 1997, No. 4, P.16.
2. Eshbakova KA, Aisa NA, Chemistry of natural compounds, 2009, P.774.

The work was funded under the fundamental research program of the CCRT of the Republic of Uzbekistan, grant FA-F3-T045.

ДОНАКСИН АЛКОЛОИДИНИ ХЛОР АЦЕТИЛ ХЛОРИД БИЛАН АЦИЛЛАШ

Мукаррамов Н.И., Оқманов Р., Олимова Ҳ.Н.


Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Arundo donax L. ўсимлигини биринчи бор академик С.Ю.Юнусов раҳбарлиги остида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий ходимлари томонидан ўрганилди ва ўсимликдан куйидаги донаксин, донаксарин, донаксаридин каби алкалоидлар ажратиб олинди ва уларнинг тузилиши исботланди. Донаксин алкалоиди *Arundo donax L.* ўсимлигидан ажратиб олинган алкалоид бўлиб, уни ациллаш орқали янги фармацевтик хусусиятга эга бўлган моддалар олиш ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга [1]. Маълумки, органик молекула таркибига ацил гуруҳини киритиш билан борадиган реакцияларга ациллаш реакциялари дейилади [2].

Донаксин алкалоидини ациллашда хлор ацетил хлориддан фойдаланилса, реакция анча самарали борди. Сабаби, ХАХда мусбат заряд қиймати бошқа ацилловчи реагентларникидан каттароқ.

Дастлаб тажриба учун:	Донаксин	1 ммоль
	Бензол	5 мл
	Хлор ацетил хлорид	0,1 мл олинди.

Мазкур тажрибадан мақсад донаксин алкалоиди ХАХ билан қандай шароитда ациллаш реакциясига киришишини аниқлашдан иборат. Тажрибани дастлаб колбага моддаларни солиб, сўнгра 50° С ҳароратда қиздириш бошланди. Қиздиришни магнитли аралаштиргич орқали амалга оширилди. Эритманинг 1 дақиқада айланиш давомийлиги 500 марта қилиб белгиланди. 8 соат қайнатилгандан сўнг юпқа қатлам хроматографияси орқали реакция аралашма текшириб кўрилди. Текшириш натижасида реакция бормаганлигини аниқланди. Текшириш учун метанол:хлороформ 9:1 системаси танланди. Тажрибани давом эттириш учун аралашмага бензол кўшиб, 80° С да 7 соат давомида қайнатилди. 7 соат қайнатилгандан сўнг юпқа қатлам хроматографияси орқали текшириб кўрилди. Шундан сўнг бензол ҳайдаб олиниб, реакция аралашма муз билан ишлов берилди. Сўнгра олинган маҳсулот ТЕА (триетил амин)да қайнатилиб чўкма филтрланди. Филтратдан ўтган суюқ қисмни юпқа қатлам хроматографияси орқали текширилди. Текшириш орқали суюқ қисмда реакция тугаганлиги аниқланди. Система: метанол:хлороформ 1:1. Реакция тенгламаси куйидагича:



Олинган маҳсулот сувда яхши ериганлиги сабабли, кимёвий ва биологик фаоллиги юқорилиги аниқланди. Тажрибадан хулоса қилишимиз мумкинки донаксин алкалоидини ациллашда фаол ацилловчи агентлардан фойдаланилса, реакция ўртача ҳароратда олиб борилади. Олинган маҳсулот эса бир мунча фармакологик хусусиятларни номоён қилади.

Адабиётлар

1. Семенов Б.Б., Юровская М.А. Препаративная химия граминов . – М.: Компания Спутник, 2005.-184 с .
2. Қ.Н. Ахмедов, Ҳ.Й. Йўлдошев, У.Ч. Ахмедов Органик кимё усуллари. Т.: “Университет”, 2013.

ГИДРОКСИАЛКИЛФТАЛИМИДЛАРНИ МОНО ЙОДСИРКА КИСЛОТАСИ БИЛАН МУРАККАБ ЭФИРЛАРИ СИНТЕЗИ

Юлдашева М.Р., Тўраев Ш.Б


(Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, 100174, Талабалар шаҳарчаси, sherzodturayev91@mail.ru)

Фталиимид ва унинг ҳосилалари жумладан, N-β-гидроксиэтилфталиимид ва N-гидроксиметилфталиимидлар асосида синтез қилинадиган моддалар халқ хўжалигининг турли соҳаларида, масалан, фотокопия кимё, агрокимё, лак-бўёқ, пигментлар ва каучук кимё саноатида муҳим оралиқ маҳсулот, тиббиётда доривор модда, қишлоқ хўжалигида инсектицид, циклооксигеназа туридаги ферментларнинг ингибиторлари, ҳамда сувда эрувчан ювувчи воситалар сифатида қўлланилади¹.

Этерификация реакцияси орқали турли хилдаги биологик фаолликка эга бўлган маҳсулотлар олиш ва шу билан бир қаторда, олиниши қийин бўлган мураккаб тузилишли гетероциклик бирикмаларни, ҳамда бирламчи аминларни синтез қилиш мумкин².


Шунинг учун ҳам фталиимид тугган бирикмаларни синтез қилиш ва унинг хоссаларини ўрганиш органик кимёнинг долзарб вазибаларидан бири ҳисобланади.

N-(гидроксиметил)фталиимид ва унинг ҳосилаларидан янги маҳсулотлар олиш мақсадида, биз N-гидроксиметилфталиимиднинг моно-йодсирка кислота билан реакциясини ўргандик. Ушбу реакция органик кимёда маълум бўлган этерификация реакцияси олиб бориш шароитида сульфат кислота катализаторлигида ўтказилди ва 50% унум билан маҳсулот синтез қилинди. Реакция тенгламаси қуйидагича:



Моно-йодсирка кислотанинг фталиимидометилэфир – оч сарик кристал модда. $T_{\text{суюқ}}=137^{\circ}\text{C}$, $R_f=0,79$ (silufol, система бензол-ацетон 3:1).

N-(β-гидроксиэтил)фталиимиднинг моно-йодсирка кислотаси билан реакциясини амалга оширилди. Моно-йодсирка кислотанинг фталиимидоэтилэфир оқ кристалл модда 62% унум билан ҳосил бўлди, $T_{\text{суюқ}}=90-91^{\circ}\text{C}$. $R_f=0,59$ (silufol, система бензол-ацетон 3:1). Реакция тенгламаси қуйидагича:



Синтез қилинган моно-йодсирка кислотанинг фталиимидометил эфир ва моно-йодсирка кислотанинг фталиимидоэтилэфирларининг тузилиши ИҚ-, ПМР- ва хромато-масс-спектрометрлари ёрдамида аниқланди.

Фойдаланган адабиётлар

1. Валиуллин В.А., Ивахненко Е.П., Ивахненко Т.Е. Реакция Вильсмайерав ряду N-замещенныхаминоуксусных кислот.// Докл. АН. РАН. 2004. Т.399. № 2. С.202-204.РЖХим. Москва, 2005. 07Ж223.
2. Ахмедов К.Н. Ақромов Д.Х. N-(β-гидроксиэтил)фталиимиднинг монохлорсирка кислота билан реакцияларини ўрганиш. Полимерлар фаннинг ҳозирги замон муаммолари. Тошкент 2011 й. 199 б.

КОМПЛЕКСООБРАЗОВАНИЕ АНТИПИРИНОВЫХ ПРОИЗВОДНЫХ С ИОНАМИ НЕКОТОРЫХ МЕТАЛЛОВ

Турамбетова А.К.¹, Рахимов С.Б.¹, Ешимбетов А.Г.²

ay.turambetova@nuu.uz

¹Национальный университет Узбекистана химический факультет, г. Ташкент

²Каракалпакский Государственный университет, г. Нукус

Установлен механизм и природа взаимодействия органических реагентов (ОР), обусловленная пространственным расположением функционально-аналитических групп, иммобилизованных на носителях полимерного типа, полученных из местного дешевого сырья. Выявлен химизм аналитических реакций и установлены функционально-аналитические группы, реагирующие с ионами тяжелых и токсичных металлов (ТТМ), найдено влияние их строения и природы заместителей на аналитические свойства ОР и их комплексов с ионами исследованных металлов.

Обобщены результаты квантово-химических расчетов и экспериментальных исследований физико-химических и энергетических характеристик и свойств комплексов меди, марганца, кадмия и свинца, иммобилизованных на полимерные сорбенты синтетического (полиакрилонитрил) и природного (целлюлоза) типа.




Рис.1. Потенциальная поверхность в виде 3D и 2D контурных карт, полученная вращением двух торсионных углов (t_1 и t_2) ААОНК.

Методом МОРАС 2016 рассчитаны структуры органических соединений производных антипирина: 1-(1-(4-антипирилазо)-2,3-оксинафтольная кислота (ААОНК). Для определения возможных конфигурационных (геометрических) состояний были проведены вращения двух циклических фрагментов вокруг одинарной связи С-Н и Н-С. Результаты расчетов потенциальной поверхности вокруг одинарных связей для соединения ААОНК приведены на рисунке 1, в котором потенциальная поверхность представлена в виде трёхмерной (3D) и двухмерной (2D) контурных карт. Исследование структурного расположения реагентов в пространстве показало, что наибольший глубокий минимум рассчитанных реагентов характеризует вероятное пространственное расположение.

Изготовлены чувствительные слои сенсорных датчиков на ионы ТТМ на основе целлюлозы, ПАН- и ПП-матриц, используемые в качестве аналитической формы для твердофазно-спектроскопического и визуально-тестового их определения, позволяющие с высокой точностью установить их оптические характеристики.

Работа выполнена при финансовой поддержке фонда фундаментальных исследований РУз (гранты АХ-Ф7-004 и АХ-Ф7-005).

НАФТОЛ-2 НИ АЛЛИЛЛАШ

*Азимова Г.З., Мухамеджоновна З.З., Таджимухамедов Х.С., Қудратов. Ғ.Н.
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент.*


Нафтолларнинг аллил ҳосилалари ўзининг биологик хоссалари билан алоҳида аҳамиятга эга, масалан, улар сил таёқчаларига нисбатан фаоллиги ва циклооксигеназа I ва II ни ингибирлаш самарадорлиги билан ажралиб туради, фармацевтика препаратлари, гетероароматик ва ароматик функционал гуруҳ тутган агрохимикатлар олишда алоҳида ўрин тутди. Аллилнафтолларни синтетик усулда олишда нафтол-1 ёки нафтол-2 ларнинг аллилловчи агентлар (аллилгалогенидлар, аллилспирти, аллилспиртининг оддий ва мураккаб эфирлари) билан катализаторлар иштирокидаги реакциялари олиб борилади.

Адабиёт маълумотларига кўра, нафтолларни аллилспирти билан аллиллаш реакцияси MS-4A ва палладий катализатори иштирокида олиб борилганда, 1-аллил-2-нафтол юқори унум билан ҳосил бўлган [1]. Реакция юқори ҳароратда олиб борилган. Шунингдек, нафтолларни аллиллаш реакциялари микротўлқин нурлари таъсирида ҳам ўрганилган. 2-нафтолни аллилловчи реагент аллилбромид, Cu/CuCl₂ катализатори иштирокида, микротўлқин нурлари таъсирида олиб борилган реакция натижасида аллилнафтил эфири 72% унум билан ҳосил бўлган. Реакция жуда қисқа вақт ичида (1,5 дақиқа) содир бўлган [2]. 2-нафтолни аллилацетат ва катализатор Fe₃O₄-Dopamine-Pd иштирокида аллиллаш натижасида 75% унум билан нафтилаллил эфири синтези амалга оширилган [3]. нафтол-1 ни карбонат кислотанинг аллилэфири билан катализатор Pd(PPh₃)₄ иштирокида аллиллаш реакциясида юқори унум билан C-аллил маҳсулот ҳосил бўлганлиги кўрсатилган [4].

Сўнгги йилларда органик кимё кафедрасида аллилнафтол синтез қилишда турли аллилловчи реагентлар: аллилбромид, аллилэтил эфири, аллилфенил эфири, аллилацетат ва аллил спиртининг турли хил реакция шароитида: ҳарорат, катализаторлар ва эритувчилар ўзгартириб қўллаган ҳолда аллиллаш реакциялари олиб борилмоқда.


Нафтол-2 ва аллилспирти 1:1 моль нисбатда олиниб, аллиллаш реакцияси олиб борилди. Реакцияда нанокатализаторга шимдирилган FeCl₃·6H₂O катализатори, эритувчи сифатида бензол қўлланилди. Реакция эритувчининг қайнаш ҳарорати 76-80°C да олиб борилди. Ҳар соатда реакциянинг бориши реакция аралашмадан намуна олиб ЮҚХ ёрдамида текшириб борилди.

Реакция схемаси:




1-аллил-2-нафтол ажратиб олинди. Реакция унуми 33% ни ташкил этди.

Шунингдек, β-нафтолни аллилэтил эфири билан ҳам аллиллаш реакцияси олиб борилди. Дастлаб аллилэтил эфири қуйидаги схема бўйича синтез қилинди.



Аллилэтил эфири 66°C да ҳайдалиб тозаланди, пероксидга текширув таҳлили ўтказилди. Шундан сўнг аллилэтил эфири билан 2-нафтолнинг реакцияси олиб борилди.


Реакция тенгламаси:



2-расм: Реакцион аралашма ЮҚХ натижалари

Система: этилацетат:гексан:хлороформ

(1:4:1)



$R_{f1}=0,84$ (нафтил-аллилэфири);

$R_{f2}=0,33$ (2-нафтол);

$R_{f3}= 0,1$ (1-аллил-2-нафтол).

Маҳсулот унуми 68%. 1-аллил-2-нафтол 51% , нафтилаллилэфири 17% унум билан ҳосил бўлган. Реакцион аралашманинг масс-спектри таҳлили олинди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, реакция маҳсулоти таркибида С-аллил маҳсулот билан

бирга 2-нафтилаллил эфири ҳам мавжуд.

Илмий тадқиқот ишлари МУ-ФЗ-20171025169 ёшлар гранти кўмагида бажарилди.

Адабиётлар

- [1] Y.Tada, A.Satake, I.Shimizu and A.Yamamoto. Palladium-Catalyzed C-Allylation of Naphthols by Direct Use of Allylic Alcohols under Neutral Conditions. Tokyo. Chemist Letter 1996
- [2] R.Zadmard , K.Aghapoor, M.Bolourtchian, M.R.Saidi. Solid Composite Copper-Copper Chloride Assisted Alkylation of Naphthols Promoted by Microwave Irradiation Synthetic Communications: An International Journal for Rapid Communication of Synthetic Organic Chemistry. 4495-4499. 1998.
- [3] Amit Saha, John Leazer, Rajender S. Varma. O-Allylation of phenols with allylic acetates in aqueous medium using a magnetically separable catalytic system. ESI for Green Chemistry. The Royal Society of Chemistry 2011.
- [4] Christopher Alan Discolo, Alexander G. Graves, and Donald R. Deardorff. Regio- and Stereospecific C- and O-Allylation of Phenols via-Allyl Pd Complexes Derived from Allylic Ester Carbonates Journal of Organic Chemistry 2016.


ДИГЛИКОЛ КИСЛОТАНИНГ м-ТОЛУИДИН БИЛАН РЕАКЦИЯЛАРИ

Бўриева Д.М., Холиқов Т.С., Хуррамов Э.Н.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети


Дигликол кислотаси оддий эфир боғи тутувчи алифатик дикарбон кислота бўлиб, монокарбон кислоталарга нисбатан кучлироқ кислоталиликни намоён қилади. Маълумки, дикарбон кислоталарда биринчи ҳамда иккинчи диссоциацияланиш константалари бири-бирдан фарқ қилади ва шунга мос равишда карбоксил гуруҳлар реакцияга киришиш қобилияти билан фарқланади. Барча дикарбон кислоталар сингари дигликол кислотасининг иккала карбоксил гуруҳи фаоллигини ўрганиш ва солиштириш муҳимдир.

Карбон кислоталар аминлар билан хона ҳароратида реакцияга киришиб тўртламчи аммоний тузларини ҳосил қилиши адабиётлардан маълум. Мазкур ишда дигликол кислотасининг м-толуидин билан 1:1 ва 1:2 моль нисбатларда хона ҳароратида таъсирлашиши ўрганилди. Дастлаб 1:1 моль нисбатида дигликол кислота ва м-толуидин алоҳида идишларда этанолда эритилди ва аралаштирилди. Реакция аралашмаси чайқатилди, бунда тезда оқ рангли туз кристаллари чўкмага тушди. Реакция тенгламаси қуйидагича:



Реакция маҳсулоти филтраб ажратиб олинди, гександа ювиб тозаланди ва куритилди. Суюқланиш ҳарорати аниқланди, $T_{\text{суюқ}} = 105^\circ\text{C}$.

Кейинги тажрибада дигликол кислотаси билан м-толуидин 1:2 моль нисбатида олиниб алоҳида идишларда этанолда эритилди ва аралаштирилди. Реакция аралашмаси чайқатилганда юқоридаги тажрибадаги сингари туз кристалларининг чўкмага тушиши кузатилди. Кристаллар филтраб ажратиб олинди, гександа ювиб тозаланди ва куритилди. Суюқланиш ҳарорати 121°C . Бу жараён учун қуйидаги схема таклиф қилинди:



Тажрибалар натижалари таҳлил қилинди ва таққосланди. Биринчи тажрибадан олинган маҳсулот ишқор эритмаси билан титрланди ва аминнинг протонланиши битта карбоксил гуруҳи ҳисобига борганлиги аниқланди. Шунингдек биринчи ва иккинчи реакциялардан олинган маҳсулотларнинг суюқланиш ҳароратидаги фарқ иккита маҳсулот эканлигидан далолат беради. Демак, олинган натижаларни таққослаб хулоса қилишимиз мумкинки дигликол кислотасининг м-толуидин билан реакцияси 1:1 моль нисбатда олиб борилганда битта карбоксил гуруҳи ҳисобига, 1:2 моль нисбатида эса иккала карбоксил гуруҳи ҳисобига аминнинг протонланиши кузатилади.

Ушбу тажрибалар натижасининг муҳим томонларидан бири шундаки, турли синф бирикмаларини дикарбон кислоталар билан ацилланганда ацил- маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши кислотанинг биринчи ва иккинчи диссоциацияланиш константасига боғлиқ бўлади.

АМПЕРОМЕТРИЧЕСКОЕ ТИТРОВАНИЕ ЕВРОПИЯ

Кутлимуротова Н.Х., Каримов М.Ш.

Национальный университет Узбекистана, г. Ташкент

В современной технике широко используют способность европия модифицировать сплавы на основе железа, магния, алюминия, меди, ниобия, титана. Легирование конструкционных сталей церием значительно повышает их прочность, причем его действие в целом аналогично действию лантана. Но поскольку европий и его соединения дешевле и доступнее, чем лантан, то значение европия как легирующей добавки преобладает.

Чем больше легирована сталь, тем меньше оптимальная величина добавок европия. Для ответственных отливок из углеродистой стали эта величина составляет 0,2...0,3%; для стали, легированной никелем, в количестве 1,5...3%, хромом и кремнием— порядка 0,10...0,15%. Во всех случаях следует избегать остаточного содержания европия в стали выше 0,1%, т.е. перехода от микро- к макролегированию стали».

Амперометрические методы титрования применяют для определения индивидуальных соединений и анализа многокомпонентных бесцветных, мутных и окрашенных смесей, концентрированных и разбавленных водных, неводных и смешанных (водно-органических) растворов, а также для исследования разнообразных типов химических реакций. Графическое установление точки эквивалентности (т.э.) при построении амперометрических кривых титрования позволяет использовать обратимые и необратимые химические реакции, что невозможно при визуальном индикаторном, потенциометрическом и некоторых других методах анализа. В ряде случаев при амперометрических титрованиях можно использовать реакции, при которых компоненты анализируемых смесей реагируют между собой не в стехиометрических соотношениях.

Амперометрические методы анализа основаны на измерении электропроводности исследуемых фоновых электролитов, определяемой легко доступными физическими и физико-химическими методами, которые при выполнении просты, удобны, при практической реализации достаточно точны, экспрессны и позволяют решить ряд важных научно-исследовательских и прикладных задач, не поддающихся решению классическими химическими.

В свете решения актуальных и важных проблем, связанных с мониторингом европия в различных по составу продуктах, изделиях и материалах представляет особый интерес разработка новых методик определения его микро- и следовых количеств с применением новых аналитических реагентов, отличающихся улучшенными метрологическими характеристиками и аналитическими параметрами. В данном исследовании в качестве органического аналитического реагента на ионы европия использовали 2,7-динитрозо-1,8-нафталин-3,6-дисульфокислоту.

Методика выполнения определения Eu^{3+} : аликвотную часть (10,0 см³) 20, мкг/мл растворов солей европия(III) помещали в электролитическую ячейку; добавляем, 2,0 мл универсального буфера Бриттона-Робинсона (рН 1,81 - 10,58), опустили двумя вращающим платиновым электрод в исследуемый раствор и титровали раствором 0,1 % 2,7-динитрозо-1,8-нафталин-3,6-дисульфокислоты.

Установлено, что при оптимизированной слабокислой среде (рН 5,5) достаточно хорошо определяется европий, образующий наиболее устойчивый красный комплекс с 2,7-динитрозо-1,8-дигидрокси-нафталин-3,6-дисульфокислотой, а в других средах образуется красный осадок. Оценка точности и правильности разработанной методики проведено методом «Введено-найдено» при подобранных оптимальных условиях.

МЕНТОЛ ВА ТИМОЛ МОЛЕКУЛАЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОНГА МОЙИЛЛИГИ ВА ИОНЛАНИШ ПОТЕНЦИАЛИ ҚИЙМАТЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Солиев М.И.¹, Нурмонов С.Э.¹, Охундадаев А.К.², Ҳамраев Х.К.²

1-Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

2-Наманган муҳандислик-технология институти

Ушбу мақола ФЗ-2017101413 рақамли давлат
фундаментал гранти доирасида тайёрланди.

Ионланиш потенциали ва электронга мойиллик молекуланинг электрон тузилишини ўзида акс эттирувчи муҳим физикавий тавсиф ҳисобланади. Бу катталиклар турли хил фотохимёвий, кимёвий технология, радиоимёвий, биохимёвий жараёнларда, шунингдек, молекуляр ва атом физикасида, каттиқ жисмлар физикасида ва электроникада молекуланинг энергетик ҳолатини миқдорий баҳолаш учун алоҳида ўрин тутди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда квант-кимёвий усуллардан фойдаланиб, молекуланинг ионланиш потенциали ва электронга мойиллигини юқори аниқликда ҳисоблаб топиш назарий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Ушбу мақолада ментол ва тимол молекулалари учун ионланиш потенциали ва электронга мойиллик қийматларини квант кимёнинг турли усуллари ёрдамида аниқлаш имкониятлари таҳлил қилинган.

Молекула учун адиабатик ва вертикал ионланиш потенциаллари фарқланади. Адиабатик ионланиш потенциали асосий ҳолатдаги молекуланинг ионланиш натижасида мусбат ион ҳосил қилиш ҳамда асосий ҳолатга қайтиш жараёнларини ифодалайди. Вертикал ионланиш потенциали эса молекуладан ион ҳосил бўлиш вақтида молекуланинг геометрик тузилишини ўзгартирмаган ҳолда тегишли квант ўтишларини ифодаловчи ихтиёрий (электрон ва тўлқин) энергетик ҳолатларни тавсифлайди.

Ушбу ишда вертикал ионланиш потенциали (ИП) ни баҳолаш Купманс теоремаси бўйича ЮБМО (юқори боғловчи молекуляр орбитал) энергияси асосида бажарилган:

$$\text{ИП}_{\text{верт}} = -E_{\text{ЮБМО}} \quad (1)$$

Адиабатик ионланиш потенциали эса молекула ва унинг катионининг умумий электрон энергиялари фарқи билан ҳисобланади:

$$\text{ИП}_{\text{адиаб}} = \Delta E = E(M^+) - E(M) \quad (2)$$

Вертикал электронга мойиллик (ЭМ) қийматини ҳисоблашнинг кенг тарқалган усули Купманс теоремасига кўра қуйидагича бажарилади:

$$\text{ЭМ}_{\text{верт}} = -E_{\text{ҚБМО}} \quad (3)$$

Шунингдек, ушбу қиймат нейтрал молекула учун қуйидаги усулда ҳам аниқланади:

$$\text{ЭМ}_{\text{верт}} = \Delta E = E(M^-) - E(M) \quad (4)$$

бу ерда: $E(M)$ – нейтрал молекуланинг умумий электрон энергияси, $E(M^-)$ – нейтрал молекуланинг геометрик конфигурациясига мувофиқ анионнинг умумий электрон энергияси.

Адиабатик электронга мойиллик ҳам (4) тенгламага мувофиқ ҳисобланади, лекин бу ҳолда $E(M^-)$ сифатида умумий электрон энергияси анион учун геометрик оптималлаштириб олинади.

Биз электронга мойиллик қийматини ҳисоблашнинг келтириб ўтилган усулларида ташқари қуйидаги (5) тенглама билан баҳолашни таклиф этамиз. Ушбу тенгламага нейтрал молекуланинг $E_{\text{ЮБМО}}$ ва $E_{\text{ҚБМО}}$ қийматлари ҳамда нейтрал молекуланинг вертикал ионланиш потенциали (нейтрал молекула $E(M)$ ва катион $E(M^+)$ нинг умумий электрон энергиялари айирмаси) киритилган.

$$\text{ЭМ} = -(E_{\text{ЮБМО}} + E_{\text{ҚБМО}}) - \text{ИП} \quad (5)$$

бу ерда: $\text{ИП} = E(M^+) - E(M)$.

Бизнинг фикримизча, бу усул электрон қўшиш ёки олиб ташлаш билан келиб чиқувчи катион ва нейтрал молекула ҳақидаги маълумотларга таяниб, анион энергиясини келтириб чиқаришда фойдаланилади ва ҳисоблашдаги хатоликни компенсациялайди.

Мазкур назарий тадқиқот давомида ўхшаш конфигурацияли ментол ва тимол молекулалари ва ионларининг умумий энергияси ва молекуляр орбиталлар энергиялари АМ1 ва РМ3 ярим эмпирик усулларида ҳисобланди.

Қуйидаги 1-жадвалда ментол ва тимол молекулаларининг вертикал ва адиабатик ионланиш потенциаллари келтирилган.

1-жадвал.

Ҳисоблаш усули	Молекула	ИП _{верт} , эВ	ИП _{адиаб} , эВ
АМ1	ментол	-10.21	-10.27
РМ3		-9.61	-10,68
АМ1	тимол	-10.94	-10.99
РМ3		-9.46	-11.18

Шунингдек, ушбу моддалар молекулаларининг электронга мойиллик қийматини 3 ва 4 тенгламаларга мувофиқ АМ1 ва РМ3 усуллари билан ҳисобланди (2-жадвал).

2-жадвал.

Молекула	Ҳисоблаш усуллари	Еқбмо	ЭМ _{верт} , эВ	ЭМ _{адиаб} , эВ
			3 тенглама	4-тенглама
Ментол	АМ1	9.03	-9.03	-9.46
	РМ3	8.75	-8.75	-9.19
Тимол	АМ1	11.23	-11.23	-9.65
	РМ3	11.56	-11.56	-10.19

2-жадвалдан кўринадикки, ярим эмпирик усулда бажарилган ҳисоблаш натижалари бўйича Еқбмо қиймати нолдан юқорида ва бу системанинг электронга мойиллигини аниқлашга етарли имкон бермайди. Аниқ натижа олиш учун ноземпирик усулда ҳисоблашларни давом эттириш керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ментол ва тимол молекулалари учун ионланиш потенциаллари қийматлари юқори боғловчи молекуляр орбиталлар энергияларидан келиб чиқиб, ярим эмпирик усулларда аниқланди. Электронга мойиллик қиймати эса қуйи бўшаштирувчи молекуляр орбиталлар энергиясига кўра ярим эмпирик усулларда қаноатланарли натижа бермади. Умумий қилиб айтганда, квант-кимёвий усуллар ёрдамида ионланиш потенциаллари қийматини аниқлаш электронга мойиллик қийматини аниқлашга нисбатан ишончлироқ экан.

Адабиётлар.

1. Michael J. G. Peach, Frank De Proft, and David J. Tozer, // J. Phys. Chem. Lett. 2010, 1, 2826–2831.
2. NIST: <http://webbook.nist.gov/chemistry/> / The National Institute of Standards and Technology. Accessed 02.02.2015.
3. Trofimov B.A., Gusarova N.K., Arbutova S.N., Ivanova N.I., Artem'ev A.V., Volkov P.A., Ushakov I.A.,

КИНЕТИКА РАДИКАЛЬНОЙ ПОЛИМЕРИЗАЦИИ АКРИЛОВЫХ МОНОМЕРОВ НА ОСНОВЕ ЛИМОННОЙ КИСЛОТЫ

Гулямова И.Б., Мирзалимова С.А., Махкамов М.А., Мухамедиев М.Г.

Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека

В последние годы в связи с расширением сфер применения и использования синтетических полиэлектролитов на основе N-замещённых амидов с ионогенными группами в разнообразных отраслях науки и техники, биологии и медицины значительно возрос интерес к проблеме изучения особенностей синтеза и механизма образования этого класса полимеров [1].

Одним из самых распространённых путей получения таких полиэлектролитов является радикальная полимеризация и сополимеризация N-замещённых акриламидов. При этом исследование особенностей радикальной полимеризации новых ионогенных мономеров представляет интерес не только с фундаментальной, но и с практической точки зрения, так как управление процессами радикальной полимеризации и сополимеризации подобных мономеров позволяет регулировать состав, строение и молекулярную массу образующихся полимеров. Поэтому данная работа посвящена изучению радикальной (со)полимеризации новых N-замещённых акриламидов. В качестве объекта исследования были выбраны мономеры, синтезированные на основе лимонной кислоты-природной оксикислоты, такие как - акриламидо-N-лимонная (AA-N-ЛК) и акриламидо-N-метилена лимонная кислоты (AA-N-МЛК). Выбор лимонной кислот в качестве объекта получения мономера было обусловлено тем, что полимеры на их основе благодаря наличию карбоксильных групп будут обладать полиэлектролитными свойствами. Также нужно особо отметить, что полимеры на основе природных оксикислот, таких как гликолевая и молочная кислоты не токсичны и не иммуногены и в результате метаболических превращений в организме образуют CO₂ и H₂O. Поэтому они широко используются в медицине в качестве шовных хирургических нитей.

Радикальную полимеризацию AA-N-ЛК и AA-N-МЛК изучали методом химического инициирования, используя в качестве инициатора - персульфат калия (ПСК) и динитрил азоизомасляной кислоты (ДАК) в водном растворе, dilatометрическим методом. Строение полученных полимеров доказывали анализом их ИК-спектров. Исследования показали, что при радикальной полимеризации конверсия мономеров в полимер возрастает как с увеличением концентрации инициатора, так и продолжительности реакции полимеризации. Полученные данные показывают, что для изучаемых мономеров скорость полимеризации в водном растворе пропорциональна концентрации инициатора в степени 0,5±0,05. Скорость полимеризации мономеров увеличивается также и с возрастанием концентрации мономеров. Порядки реакции полимеризации по мономеру как для AA-N-ЛК, так и AA-N-МЛК составляют 1,5. Отличие порядка реакции по мономеру от теоретического первого свидетельствует об ассоциированности данных мономеров в водных растворах, характерной для карбоновых кислот.

При изучении радикальной полимеризации мономеров в водных растворах установлено, что скорость радикальной полимеризации AA-N-МЛК выше по сравнению с AA-N-ЛК. Поэтому проведены кванто-химические расчёты мономеров которые показали, что плотность электронов у двойной связи AA-N-МЛК намного меньше чем у AA-N-ЛК. Скорее всего наличие метиленовой группы между амидной группой и остатком лимонной кислоты облегчает подвижность заместителя и увеличивает реакционную способность мономера.

ТЕРМОДИНАМИКА ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ В ПОЛИМЕРНЫХ СМЕСЯХ НА ОСНОВЕ ХИТОЗАНА

*Акбаров Х.И., Яркулов А.Ю., Умаров Б.С., Сагдуллаев Б.У.,
Курбанова Л.М., Буриев Д.А.*

Email: h.akbarov@nuu.uz

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Особый интерес исследователей работающих по созданию препаратов медицинского назначения вызывает хитозан, целлюлоза и, особенно, их гидрофильные водорастворимые производные, в частности, простые и сложные эфиры. Высокая растворимость в воде, простота получения и физиологическая индифферентность эфиров обеспечивает их относительную безвредность. Одно из направлений модификации свойств классических материалов является использование тонко пленочных технологий, включающих в себя управляемое формирование, прогнозирование структуры и свойств пленочных материалов. Особый интерес вызывают полимерные материалы, в частности пленко- и мембранообразующие водорастворимые производные хитозана и целлюлозы.

На кафедре физической и коллоидной химии ведутся систематические исследования по изучению термодинамики взаимодействия в полимерных системах на основе водорастворимых производных целлюлозы (NaКМЦ, ВРАЦ, ОБРАЦ), хитозана и ряда белков таких как коллаген, желатин, альбумин, серицин, фиброин, а также водорастворимых полимеров (декстран, декстрин, крахмал, карбоксиметилкрахмал (КМК)) с целью создания биodeградируемых материалов, используемых в медицине, сельском хозяйстве и в некоторых отраслях промышленности [1-4].

Однако, термодинамическая совместимость хитозана с производными целлюлозы, а также с КМК практически не исследована, отсутствуют экспериментальные данные о межмолекулярном взаимодействии между полимерными компонентами в таких смесях. Изучение термодинамики взаимодействия в смесях полимеров позволяет целенаправленно улучшать свойства индивидуальных полимеров без значительных затрат и путем подбора соответствующих полимерных компонентов создавать материалы с требуемым комплексом свойств. В данной работе приведены результаты сорбционных исследований в смесях хитозан-ВРАЦ и хитозан-КМК.

По результатам сорбционных исследований паров воды по теории БЭТ определена «водная» удельная поверхность, значение мономолекулярного слоя, средний радиус пор, суммарный объем пор образцов хитозана, ВРАЦ, КМК и их различных композиций. По изотермам сорбции паров воды определена их истинная удельная поверхность и другие параметры пористой структуры.

Проведены термодинамические расчеты и рассчитаны значения средней свободной энергии смешения, энергии Гиббса в системе полимер-растворитель и полимер-полимер-растворитель и определена совместимость исследованных систем методом Тагер по зависимости средней свободной энергии смешения в системе полимер-полимер.

ЛИТЕРАТУРА

1. Яркулов А., Умаров Б., Акбаров Х. Термодинамические свойства композиций на основе эфиров целлюлозы.- LAMBERT Academic Publishing RU, 2019, 88 p.
2. Акбаров Х.И., Рахманбердиев Г.Р. Термодинамические свойства водорастворимых ацетатов целлюлозы и их композиций. Симпозиум по современной химической физике, Туапсе, 2018, С.144-145.
3. Акбаров Х.И., Яркулов А.Ю., Умаров Б.С., Кабулова У.К. Термодинамическая совместимость натрийкарбоксиметилцеллюлозы с белками. Вестник СамГУ, 2018.


ХЛОРСИРКА КИСЛОТА ЭФИРЛАРИ СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИНГ РЕАКЦИЯЛАРИ

Ёдгоров Ч.Ф., Усмонов Б., Бобоназарова С.Х.

Электрон манзил Chinurod-chem@mail.ru

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Хлорсирка кислотаси ва унинг эфирлари кўплаб органик бирикмалар синтезида оралиқ бирикмалар вазифасини ўтайди, жумладан гетероциклик бирикмалар синтезида хлорсирка кислотаси эфирларидан фойдаланиш қулай. Хлорсирка кислотасининг эфирлари адабиётларда хлорсирка кислотасини спиртлар билан сульфат кислота ёки п-толуолсульфо кислота катализатори билан олиш усуллари келтирилган [1]. Бу маълумотлар асосида, хлорсирка кислотасининг изоамил, гексил ва бензил спиртлари билан H_2SO_4 катализаторлигида этерификация реакциялари амалга оширилди.



Реакциялар натижасида хлорсирка кислотасининг изоамил эфири -78%, гексил эфири-75%, бензил эфири-80 % унум билан синтез қилиб олинди. Тажрибаларни турли вақт оралиғида амалга ошириб, махсулот унумига вақтнинг таъсири ўрганилди ва 3 соат давомида олиб борилганда унум энг юқори бўлиши аниқланди. Тажрибалар давомида ҳароратнинг ортиқча кўтарилиши ва реакция давомийлигининг 3 соатдан ошиши аралашмада смоласимон бирикмаларнинг ҳосил бўлишига олиб келди. Шу сабабли этерификация реакцияларининг максимал вақти ушбу жараёнда 2,5-3 соат бўлиши қулай эканлиги кўринди. Бу натижалар хлорсирка кислотасининг спиртлар билан этерификация реакцияларини янада тадқиқ қилиш кераклигини кўрсатиб турибди.


Юқорида келтириб ўтганимиздек этерификация реакциялари давомида ҳарорат ва бошқа таъсирлар натижасида реакция аралашмада қутилмаган махсулотларнинг ҳосил бўлиши ҳам қузатилди. Бу жараёнларни чеклаш мақсадида биз, хлорсирка кислотасининг эфирларини унинг тузларидан ҳам олиш устида тажрибалар олиб бордик. Ўрганилган адабиётларда нуклеофил алмашиниш реакцияларида апротон эритувчилар ишлатилиши олинадиган эфирлар унумининг юқори бўлиши ва улар сифатининг ошишига таъсир қилиши ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилган. Карбон кислота тузларини яхши эритадиган эритувчилар танлаб алкил галогенидлар билан таъсирлаштирилганда юқори унумда эфирлар олиш мумкин экан. Адабиёт маълумотларидан кўриндики, бундай реакциялар диметилсульфоксид, диметилформаид эритувчилари иштирокида осон кетади[2]. Шу сабабли биз тажрибаларда ушбу эритувчилардан фойдаланишга қарор қилдик. Хлорсирка кислотасининг юқоридаги эфирларини, хлорсирка кислотаси натрийли тузига тегишли алкил галогенидлар таъсир эттириш йўли билан ҳам олинди. Реакция ДМФА эритувчисида амалга оширилди. Бунда реакциялар унуми 90-92 % ни ташкил этди.



Бу усулнинг яна битта қулайлиги шундан иборатки олинган эфирлар тоза бўлиб кўшимча махсулотларнинг ҳосил бўлиши деярли қузатилмайди. Олинган эфирларни тозалаш усуллари ҳам жуда оддий ва кўшимча жараёнларни талаб этмайди. Илгари бу реакцияларда асосан протон эритувчилар ишлатилганлиги сабабли реакция унуми паст

бўлган. Лекин апротон эритувчиларнинг қўлланилиши олинган маҳсулот унумининг ортишига ва бу усулнинг самарали усуллардан бирига айланишига олиб келди.

Олинган хлорсирка кислота эфирлари билан натрий салицилат тузининг реакциялари олиб борилди, реакциялар натижасида маҳсулот сифатида салицил кислотасининг диэфир бирикмалари синтез қилинди. Ароматик карбон кислоталарнинг мураккаб эфирлари саноатда кўплаб соҳаларда ишлатилади. Масалан, бензой кислотасининг бензил эфири тиббиётда тери касалликларига қарши ишлатилса, унинг метил ва этил эфирлари парфюмерияда ва озиқ овқат саноатида ишлатилади. Салицил кислотасининг кўплаб эфирлари тиббиётда иссиқлик туширувчи, ревматизмга қарши фаол препаратлар сифатида ишлатилади, парфюмерияда эса эритувчи ва ҳид берувчи воситалар ва офтобдан қўйишга қарши кремларнинг таркибий қисмларига қўшиладиган препаратлар сифатида қўлланилади[4,6]. Ушбу тажрибаларни бажаришда органик кимё кафедрасида яратилган тажриба методикаларидан фойдаланилди [3,5].



Тажрибалар реагентларнинг турли нисбатларида, турлича вақтларда амалга ошириб кўрилди. Олинган натижалардан хулоса қилиб реакцияларнинг оптимал шароити аниқланди. Бунда натрий салицилат: моноклорсирка кислотаси эфири: ДМФА моль нисбатларини 1:2:5 нисбатда олиб, реакция 3 соат давомида амалга оширилганда 90% унум билан маҳсулот олишга эришилди. Олинган эфирлар мойсимон суюқликлар бўлиб, қайнаш температуралари 200⁰С дан юқори эканлиги аниқланди. Реакцияларнинг натижалари таққосланди, реакцияларнинг оптимал шароитлари тақлиф этилди, реакциялар боришига ва маҳсулот унумига реагентлар моль нисбатлари таъсири аниқланди, олинган эфирларнинг тузилиши ўрганилди. Ўтказилган реакциялар боришининг умумий схемалари ва тахминий механизмлари тақлиф этилди.

Адабиётлар:

1. Титце Л., Айхер Т. Препаративная органическая химия.// М.: 1999 г. С.-576
2. Реутов О.А., Курц А.Л., Бутин К.П. Органическая химия./Учебник для ВУЗов. В 4 ч. Ч.3 с. 214. М.: “Бином лаборатория знаний” 2004 г.Брель А.К.,
3. Холиқов Т.С., Бобоназарова С.Х., Тожимухамедов Ҳ.С. Получение бензилбензоата из бензоата натрия и хлористого бензила в присутствии малых количеств диметилформамида.// Доклады Академии наук РУз.- Тошкент 2005г, №1, с-34-36.
4. Лисина С.В. Синтез и фармакологическая активность новых производных салициловой кислоты и аспирина как потенциальных лекарственных препаратов.// Успехи современного естествознания.-2006. №11.-С.-95-96.
5. Пат. Узбекистан. IAP 02923. Способ получения бензил бензоата./Таджимухамедов Х.С., Ахмедов Х.С., Холиков Т.С., Ражабова Х.А //Uz Бюлл.№6, 2005
6. Патент. РФ 2245325. Способ получения сложных эфиров 5-и/или 6-замещенной 2-оксибензойной кислоты. Роберт Ф.Д. 2003 г.


п-НИТРОБЕНЗОЙ КИСЛОТА НАТРИЙЛИ ТУЗИНИНГ ХЛОРСИРКА КИСЛОТАСИ ЭФИРЛАРИ БИЛАН РЕАКЦИЯСИ

Сапаев Ф.А., Абдувохидов Д.И., Холиқов Т.С., Тоғжимухамедов Х.С.
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Олдинги ишларимизда бензой кислота натрийли тузининг хлорсирка кислотаси н-бутил, бензил эфирлари ва монохлорацетамид билан реакциялари олиб борилган ва олинган моддаларнинг натижаларини келтирган эдик [1].


п-Нитробензой кислотаси ҳамда уларнинг ҳосилалари синтези ва ишлатилиши ҳақида адабиётларда маълумотлар кам. Асосан п-нитробензой кислотаси ҳосилаларини қайтариш орқали п-аминобензой кислота ҳосилаларига ўтказиш ёки п-нитробензой кислотадан бошқа бирикмалар синтезида оралиқ модда сифатида фойдаланиш мумкинлиги келтирилган [2]. Шунининг хлорсирка кислотаси изобутл ва пентил эфирлари билан реакцияларини ўргандик.

Монохлорсирка кислот изобутил ва пентил эфирлари адабиётларда [3] кўрсатилган усуллар бўйича синтез қилиб олинди. Реакция учун 0,06 мол хлорсирка кислотасига 0,09 мол изобутил ва пентил спирт қўшиб бензол иштирокида катализатор сифатида сульфат кислота (0.5 мл) қўшиб қиздирилди. Реакциянинг бориши Дин-Старк асбобида сув йиғилишига қараб кузатиб борилди. Реакция давомийлигини Дин-Старк асбобидаги ажралиб чиққан сувнинг миқдорига давом эттирилди, реакция 3,5 соат давомида олиб боради. Реакция тенгламаси:



Олинган хлорсирка кислота эфирларнинг п-нитробензой кислоталар натрийли тузи билан реакциялари диметилформаид эритувчиси иштирокида олиб борилди. Реакциялар 3.5 соат давомида 165-170⁰С ҳароратда олиб борилди. Реакцион аралашмада аноргаик тузнинг (NaCl) ҳосил бўлгани кузатилди.

Реакция тенгламаси:



Олинган эфирлар мойсимон моддалар бўлиб ҳарорат кўтарилиши билан осон суюқланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Холиков Т.С., Сапаев Ф.А., Ёдгоров Ч.Ғ., Тажимухамедов Х.С., Абдушукуров А.К. Натрий бензоатнинг хлорсирка кислотасининг н-бутил,-бензил эфирлари ва монохлорацетамид билан реакциялари. ТошДТУ хабарлари №.1, 2017 й. 161-166 б.
2. Альтшулер Генрих Наумович, Шкуренко Галина Юрьевна и Горлов Алексей Александрович. Гидрирование эфиров п-нитробензойной кислоты в нанореакторах на основе сульфированных сетчатых полимеров. Бутлеровские сообщения. 2013. Т.36. №12. С 105-109.
3. Чапуркин. В.В. Синтез сложных эфиров: Методические указания к лабораторным работам по органической химии.// ВолГТУ, Волгоград, 2012. С. 20.

ПИПЕРИДИННИ ВИНИЛЛАШ РЕАКЦИЯСИ

*Мирхамитова Д.Х., Уразов Ш.М., Закирова Ш.**

Ўзбекистон Миллий университети

**Тошкент кимё-технология институти*

Гетероциклик бирикмаларнинг винил ҳосилалари ҳам ароматик углеводородлар каби турли усуллар билан, масалан, мос равишдаги бирикмаларни **ацетилен** билан виниллаш орқали синтез қилинади.


Сўнги йилларда **ацетилен** кимёсига ишқор-диполяр апротон эритма бўлган юқори асосли системаларнинг тадбиқ этилиши, қийин синтез қилинадиган винил бирикмалар, шунингдек, азот тутган гетероцикллар ва уларнинг N-винилҳосилаларини олиш шароитларини оптималлаштиришга имкон яратди.

Ишда пиперидинни ишқор (KOH) иштирокида KOH-DMCO ва KOH-DMФА юқори асосли системаларидан фойдаланган ҳолда ацетилен билан виниллаш реакциялари системали тадқиқ қилинди.

KOH-DMCO системасидаги DMCO нинг роли шундаки, унинг таъсирида асосдаги ион жуфтнинг диссоциланиши, юқори асосли ва кам сольватладиган димсил аниони ҳосил бўлади.

Таъкидлаш керакки, ушбу система моҳиятини умумий ҳолда муҳитнинг диэлектрик ўтказувчанлиги ўзгариши, водород боғлари ва бошқа таъсирлар орқали изохлаш лозим. DMCO-KOH системасига металл фторидлари киритилса уларнинг асослиги янада ошади, жараёни олиб бориш бир мунча осонлашади ҳамда мос равишдаги винилбирикмалар унуми ҳам юқори бўлади.

Пиперидинни виниллаш учун юқори асосли CsF-MOH-DMCO (M=Li, Na, K) каталитик системасидан фойдаланилди. Жараёнда N-винилпиперидинни ҳосил бўлиши аниқланди, реакциянинг схематик кўриниши қуйидагича:



Бунда системанинг асослиги янада ошади ва ҳосил бўлган маҳсулот унумининг кескин ошишига имкон беради.

Маълумки, кўпгина каталитик жараёнларда маҳсулот унуми ва реакция йўналишига катализатор ва эритувчи табиати ҳамда миқдори, ҳарорат, бошланғич моддалар моль нисбатлари, шунингдек дастлабки реагентларнинг киритилиш тезликлари катта таъсир кўрсатади.

Пиперидинни виниллаш жараёнига катализатор табиати таъсири тадқиқ қилинди. Катализаторлар сифатида литий, натрий, калий гидроксидлари ишлатилди. Барча ҳолларда N-винилпиперидин ҳосил бўлиши аниқланди. Қўлланилган катализатор табиатининг таъсирига кўра олинган натижалар 1-жадвалда келтирилди.

1-Жадвал

Винилпиперидин унумига катализатор табиати таъсири
(реакция давомийлиги - 3 соат, ҳарорат – 60 °C)

Катализатор	Маҳсулот унуми, %
LiOH	15,6
NaOH	24,7
KOH	32,8

Олинган натижаларга кўра, қўлланилган катализаторлар ичида нисбатан фаоли КОН бўлиб, бунда винилпиперидин унуми 32,8 % ни, LiOH ва NaOH қўлланилганда мос равишда 15,6 ва 24,7 % ташкил қилди.

Тажрибалар эритувчисиз олиб борилганда пиперидинни виниллаш жараёни қийин кетади, маҳсулот унуми жуда паст бўлганлиги сабабли, уни ажратиб олиб таркибини аниқлаш имкони бўлмади. ДМСО иштирокида виниллашни амалга ошириш учун пиперидин массасига нисбатан 10-20 % миқдорида катализатор синаб кўрилди.

Виниллаш жараёни атмосфера босимида ишқорий металллар гидроксидлари иштирокида олиб борилди. Катализаторнинг фаоллиги қуйидаги тартибда камайиб бориши аниқланди:



КОН ва 2КОН·Н₂О, КОН·Н₂О ларнинг каталитик фаоллиги солиштирилганда барча ҳолатларда сув миқдори виниллаш жараёнини қийинлаштириши кўрсатилди. Виниллаш жараёнида ишқорий металлларнинг сувсиз гидроксидлари қўллаб кўрилганда CsOH нисбатан юқори самара берганлиги аниқланган. Бироқ рубидий ва цезий гидроксидларини сувсизлантириш жуда қийин. Одатда сув билан азеотроп ҳосил қиладиган октан, толуол каби эритувчилар билан қайнатиб сув чиқариб юборилади.

Тажрибада олинган натижаларга кўра, КОН нинг системадаги миқдори реакция боришига сезиларли таъсир кўрсатади ва унинг оптимал миқдори пиперидин массасининг 10 % га тенг бўлди, кейинги тажрибаларда катализатор миқдори шу фоизда олиб борилди.

Пиперидинни виниллаш реакциясига эритувчилар таъсири ўрганилди, бунда реакция давомийлиги 2 соатни ташкил қилди (2-жадвал).

2-Жадвал

Пиперидинни виниллаш жараёнига эритувчининг таъсири
(реакциянинг давомийлиги – 2 соат)

№	Эритувчи табиати	Реакция ҳарорати, °С	КОН катализатори миқдори, % (пиперидин массасига нисбатан)	N-винилпиперидин унуми, %
1.	-	55-60	10	4,1
2.	ДМСО	55-60	10	19,4
3.	ДМФА	55-60	10	14,2

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, эритувчи табиати пиперидинни виниллаш реакциясига сезиларли таъсир кўрсатади. Жараёнда эритувчисиз N-винилпиперидиннинг ҳосил бўлиши 4,1 % унум билан, худди шундай шароитда ДМСО иштирокида эса маҳсулот унуми 19,4% ни ташкил қилди. Реакцияга эритувчи табиатининг таъсирини ўрганиш учун жараён ДМФА иштирокида 55-60 °С да, катализатор миқдори 10% (пиперидин массасига нисбатан) билан ўтказилди. Бунда маҳсулот унуми 14,2% ни ташкил этди. Қўлланилган эритувчилар ичида ДМСО виниллаш жараёнида ДМФАга нисбатан фаол эканлиги аниқланди. Бунинг сабаби, аввал айтилганидек, кутбли икки апротон эритувчилар КОН билан юқори асосли системани ҳосил қилади. Бу эса КОН нинг асослилигини ошириб, оралиқ бирикма – калий пиперидиннинг **ацетиленга** нуклеофил бирикишини тезлаштиради.


Синтез қилинган бирикмаларнинг тузилиши ИҚ- ва ПМР-спектроскопия усуллари ёрдамида исботланди.

ДИГЛИКОЛ КИСЛОТАНИНГ п-БРОМАНИЛИН БИЛАН РЕАКЦИЯЛАРИ

Даулетбаева А.Р., Хуррамов Э.Н., Абдушукуров А.К.
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети


Дигликол кислотаси оддий эфир боғи тутувчи алифатик дикарбон кислота бўлиб, монокарбон кислоталарга нисбатан кучлироқ кислоталикни намоён қилади. Маълумки, дикарбон кислоталарда биринчи ҳамда иккинчи диссоциацияланиш константалари бири-биридан фарқ қилади ва шунга мос равишда карбоксил гуруҳлар реакцияга киришиш қобилияти билан фарқланади. Барча дикарбон кислоталар сингари дигликол кислотасининг иккала карбоксил гуруҳи фаоллигини ўрганиш ва солиштириш муҳимдир.

Мазкур ишда дигликол кислотасининг п-броманилин билан 1:1 ва 1:2 моль нисбатларда хона ҳароратида таъсирлашиши ўрганилди. Дастлаб 1:1 моль нисбатида дигликол кислота ва п-броманилин алоҳида идишларда этанолда эритилди ва аралаштирилди. Реакция аралашмаси чайқатилди, бунда тезда оқ рангли туз кристаллари чўкмага тушди. Реакция тенграмаси қуйидагича:



Реакция маҳсулоти филтрлаб ажратиб олинди, гександа ювиб тозаланди ва қуритилди. Суюқланиш ҳарорати аниқланди, $T_{\text{суюқ.}} = 131^\circ\text{C}$.

Кейинги тажрибада дигликол кислотаси билан п-броманилин 1:2 моль нисбатида олиниб алоҳида идишларда этанолда эритилди ва аралаштирилди. Реакция аралашмаси чайқатилганда юқоридаги тажрибадаги сингари туз кристалларининг чўкмага тушиши кузатилди. Кристаллар филтрлаб ажратиб олинди, гександа ювиб тозаланди ва қуритилди. Суюқланиш ҳарорати 137°C . Бу реакция қуйидагича боради:



Тажрибалар натижалари таҳлил қилинди ва таққосланди. Биринчи тажрибадан олинган маҳсулот ишқор эритмаси билан титрланди ва аминнинг протонланиши битта карбоксил гуруҳи ҳисобига борганлиги аниқланди. Шунингдек биринчи ва иккинчи реакциялардан олинган маҳсулотларнинг суюқланиш ҳароратидаги фарқ иккита маҳсулот эканлигидан далолат беради. Демак, олинган натижаларни таққослаб хулоса қилишимиз мумкинки дигликол кислотасининг п-броманилин билан реакцияси 1:1 моль нисбатда олиб борилганда битта карбоксил гуруҳи ҳисобига, 1:2 моль нисбатида эса иккала карбоксил гуруҳи ҳисобига аминнинг протонланиши кузатилади.

Ушбу тажрибалар натижасининг муҳим томонларидан бири шундаки, турли синф бирикмаларини дикарбон кислоталар билан ацилланганда ацил- маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши кислотанинг биринчи ва иккинчи диссоциацияланиш константасига боғлиқ бўлади.

ХАРАКТЕРИСТИКА ГИАЛУРОНОВОЙ КИСЛОТЫ

Курбанов Х. Г, Ахмедова Н.Н., Сагдиев Н.Ж.

ahmedova_nargis@mail.ru

Национальный университет Узбекистана, НИИ Биоорганической химии АНРУз

Гиалуроновая кислота является биополимером, состоящим из повторяющихся дисахаридных звеньев D-глюкуроновой кислоты ковалентно связанной β -(1-3)-связями с N-ацетил-D-глюкозамином. Гиалуроновая кислота обнаруживается в суставной синовиальной жидкости, в соединительной ткани, в стекловидном теле глаза и здоровой ткани кожи человека и позвоночных и также является продуктом внеклеточной секреции некоторых видов бактерий.

Вязкоэластичные компоненты, в частности в колене, предназначены для восстановления нормального реологического гомеостаза структуры суставов и для обеспечения непосредственной защиты, смазки, амортизации, гидродинамического сопротивления и механохимического барьера против стресса.

Гиалуроновая кислота - белое, твердое аморфное вещество, растворимое в воде и нерастворимое в органических растворителях. Характерным ее свойством является высокая вязкость. Молекулярная масса составляет от $5 \cdot 10^4$ - $8 \cdot 10^6$, что зависит от происхождения препарата, способа и метода определения.

В то же время следует подчеркнуть, что головы птицы с гребнем находят очень ограниченное применение в пищевых целях, а отдельно гребень практически не используется как исходное сырье. Ее выход составляет 3,8% к массе исходного сырья. Таким образом, птицеперерабатывающая промышленность имеет реальные и достаточные резервы в получении биополимера за счет увеличения доли полезного использования вторичных малоценных продуктов переработки.

Необходимым условием при производстве гиалуроновой кислоты является, прежде всего, возможность выделения ее в нативном высокополимеризованном состоянии в виде высокоочищенных препаратов, свободных от белка.

Согласно результатам исследования водных растворов гиалуронана, в частности гидродинамическое изучение и измерение вязкости в водно-солевых растворах, ее макромолекула имеет статистическую полужесткую клубкообразную форму. Молекула поглощает достаточно большое количество молекул воды, приобретая при этом третичную структуру. Из-за электростатического отталкивания между отрицательно заряженными группами в молекуле гиалуронана не может быть макромолекул с плотной упаковкой. Плотность молекул гиалуронана внутри молекулярного домена 0,1 мас. %.

В молекуле гиалуроновой кислоты может быть до 25000 дисахаридных звеньев и молекулярная масса природной гиалуроновой кислоты может быть от 500 до 20000000 Да. Молекулярная масса гиалуроновой кислоты межсуставной жидкости составляет 3140000 Да. Молекулярную массу выделенной гиалуроновой кислоты измеряли вискозиметрическим методом на вискозиметре Уббелоде, в растворе 0,1 н КСl. Гиалуроновая кислота считается полиэлектролитом, и вязкость водных растворов имеет аномальный характер. Для расчёта молекулярной массы использовали формулу Марк-Кун-Хаувинка, согласно которой молекулярная масса ГК полученного образца составила 1800000 Да.

Количественное определение микро и макроэлементов в составе петушиных гребней было определено методом ОЭС ИСП в лаборатории Санитарно-эпидемиологической станции. Данные этого анализа показали незначительное количество тяжелых металлов в полученных образцах гиалуроновой кислоты.

Были получены и сравнены ИК-спектры нескольких образцов. Присутствие в ИК-спектрах одинаковых пиков поглощения указывает на то, что независимо от метода получения и очистки, функциональные группы ГК сохраняются.

САЛИЦИЛ КИСЛОТАСИНИНГ м-ТОЛУИДИН БИЛАН РЕАКЦИЯСИ

Нурматов Д.У., Хуррамов Э.Н., Абдушукуров А.К.


Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Карбон кислоталарнинг алкил- ва ариламидлари R-CONH-R (Ar) ўз молекуласида амид боғи тутати ва улар юқори биологик фаолликни намоён қиладиган бирикмалар ҳисобланади. Уларнинг ҳосилалари тиббиётда дори воситалари, қишлоқ хўжалигида пестицидлар сифатида ишлатилиб келинмоқда. Бундай бирикмаларга тиббиётда оғрик қолдирувчи, ҳароратни пасайтирувчи ва шамоллашда қўлланиладиган “Парацетамол” дори воситасининг асосини ташкил қилувчи п-ацетаминофенол, шунингдек “Фенацетин”, “Фалиминт”, “Лидокаин”, каби дори воситаларининг асосий таъсир этувчиси бўлган алифатик кислоталарнинг алмашинган ариламидларини ҳамда қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган “Цинкундан”, “Аланап” каби препаратларнинг таркибий қисми бўлган ароматик кислоталарнинг ариламидларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин [1].

Таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтгача бу бирикмалар аминларни карбон кислота ангидриди ва хлорангидридлари билан N- ациллаш реакциялари орқали олинади. Бу эса кислота амидларини олишда реакцияларни икки босқичда олиб боришни, яъни дастлаб кислота ангидриди ёки хлорангидридидини олишни, иккинчи босқичда эса кислота амиди синтез қилишни талаб этади.

Адабиётларда ароматик аминларни карбон кислоталар билан ациллаш ёки бензоиллашга оид маълумотлар мавжуд бўлиб, ушбу реакциялар асосан турли катализаторлар – фосфор кислоталари ва галогенидлари, бор кислоталари ҳамда металлокомплекс катализаторлар иштирокида олиб борилган ва тегишли амидлар синтез қилинган. Аммо оксибензой кислоталарнинг реакциялари гидроксил- гуруҳининг таъсири ҳисобига қийинчилик билан бориши таъкидлаб ўтилган [2-3].

Адабиёт маълумотлари асосида салицил кислотасининг каталитик миқдордаги фосфор (V) хлорид иштирокида м-толуидин билан реакцияси ўрганилди. Таъриба сув йиғич ва тескари совутгич билан жиҳозланган қолбада реагентларнинг 1:1 моль нисбатида толуолда 5 соат давомида қиздириш орқали олиб борилди. Жараён кислота-амин конденсация реакцияси бўлиб, бир молекула сув ажралиши натижасида салицил кислотасининг ариламиди - 2-гидрокси-N-м-толилбензамид ҳосил бўлади:



Реакция маҳсулоти натрий карбонатнинг суолтирилган эритмасида ювилди, толуолдан қайта кристалланди ва кальций хлоридли эксикаторда қуритилди. Олинган 2-гидрокси-N-м-толилбензамиднинг тозалиги ЮҚХ усули ёрдамида текширилди (R_f = 0,62; бензол:ацетон = 3:1), тузилиши ИҚ-спектри ёрдамида таҳлил қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Машковский М.Д. Лекарственные средства. Пособие по фармакотерапии для врачей. 1-том. М.: Медицина, 1988. –С. 114-511.
2. Штейнберг Л.Я., Бойко В.Д., Кондратов С.А., Шейн С.М., Штейнберг Я.Б. Катализ соединениями фосфора в реакции бензойной кислоты с анилином // Журн. орг. хим., 1992. Том 28, вып. 5. -С. 1034-1038.
3. Штейнберг Л.Я., Кондратов С.А., Шейн С.М. Металлокомплексный катализ при ацилировании анилина замещенными бензойными кислотами // Журн. орг. хим., 1988. Том 24, вып. 9. -С. 1968-1972.


2-ХЛОРО-N-(3-ГИДРОКСИФЕНИЛ) АЦЕТАМИДНИНГ ФЕНОЛ, п-ХЛОРФЕНОЛ БИЛАН РЕАКЦИЯЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Абдушукуров А.К., Юсуфов М.С., Якубов Ш.Р.

yusufov_ms@mail.ru

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Адабиётлардан маълумки, хлорацетиллаш реакциясининг маҳсулотлари кимё саноатида, тиббиётда ва қишлоқ хўжалигида кенг қўламда ишлатилиб келинмоқда. Аминофенолларни ациллаш реакциялари маҳсулотлари эса тиббиёт учун алоҳида аҳамиятли дори воситалари олишда ишлатилиб келинмоқда, масалан м-аминофенол асосида олинадиган арипирпрозол- шизофрения ва ўткир васваса оқибатида юзага келган 1- биполяр бузилиш ҳолатидаги беморларни даволашда қўлланилади, м- аминофенолни хлорацетиллаш маҳсулотлари асосида сил касаллигига қарши воситалар олинган бўлиб, аминофеноллар асосида олинган маҳсулотлар ўзига хос биологик фаолликка эга эканлигини ва кўплаб истиқболли синтезларни амалга ошириш мумкинлигини кўрсатади. ЎзМУ органик кимё кафедрасида ароматик бирикмаларни хлорацетиллаш реакциялари тизимли тарзда олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларнинг давоми сифатида м-аминофенолнинг хлорацетиллаш реакцияси маҳсулоти 2-хлоро-N-(3-гидроксифенил) ацетамиднинг фенол ва м- хлорфенол билан реакциялари ДМФА да КОН иштирокида ўрганилди.



R= -H; -Cl.

Реакциянинг бориши KCl тузининг чуқмага тушиши орқали аниқланди. Реакция сув ҳаммомида қиздириш билан олиб борилди ва 45 дақиқа давом этди. Реакцион аралашма филтрланди ва ортиқча эритувчи буғлатилди, ҳосил бўлган кристаллар этилацетатда қайта кристаллаб тозаланди. Олинган бирикмаларнинг тозалиги юпқа қатламли хроматография усули билан аниқланди, тузилиши эса ИҚ- спектроскопия ёрдамида тасдиқланди.

Реакция маҳсулотлари: N-(3-гидроксифенил)-2-феноксиацетамид, маҳсулот унуми 87%, жигарранг аморф модда, суюқланиш ҳарорати 110-112°C. 2-(3-хлор) фенокси-N-(3-гидроксифенил) ацетамид, маҳсулот унуми 90%, оч жигарранг рангли кристалл модда, суюқланиш ҳарорати 153-155°C.

Адабиётлар

1. Чориев А.У., Абдушукуров А.К. 3-Метоксифенилхлорацетатни синтез қилиш ва унинг фенол, 4-бромфенол, 4-метоксифенол ва 4-хлорфеноллар билан реакциялари. // Ўзбекистон кимё журнали. 2014. №1. 16-18 б.
2. Абдушукуров А.К., Чориев А.У., Шовиддинова Ф.О. п- Бромфенилхлорацетатни олиш ва унинг асосида синтезлар. // Ўзбекистон кимё журнали. 2013. №5. 18-20 б.

ПРЕЦИЗИОННЫЕ АДсорбЦИОННО-КАЛОРИМЕТРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ГИБРИДНЫХ ПОЛИМЕР-КРЕМНЕЗЕМНЫХ НАНОКОМПОЗИЦИЙ

Хамдам Акбаров Икрамович, Ахрор Яркулов Юлдашевич

Email: h.akbarov@nuuu.uz

Национальный университет имени Мирзо Улугбека, город Ташкент Узбекистан

Изучение сорбции находится на пороге нового этапа развития, который можно охарактеризовать как этап визуализации молекул. Имеются основания ожидать, что на этом этапе будет преодолен разрыв между макроскопическим и молекулярным описаниями сорбции. К началу данного этапа созданы условия для экспериментального изучения всех элементарных процессов, протекающих на поверхности и в объеме сорбирующих тел. Эти возможности пока не использованы настолько полно, чтобы создать теорию сорбции, способную описать всю совокупность ее элементарных процессов. Поэтому количественный прогноз поведения сорбентов в широком интервале условий сорбции пока невозможен.

Прецизионные адсорбционно-калориметрические исследования проводились на универсальной высоковакуумной объемной установке, позволяющей проводить дозировку адсорбата объемно-жидкостным методом и подключенным к нему изотермического дифференциального автоматического микрокалориметра типа Тиана-Кальве. Адсорбция воды в нанопористых гибридных наноконпозиционных материалах представляет большой научный и практический интерес благодаря применению гибридных наноконпозиционных материалов в качестве сорбентов высокоэффективной жидкостной хроматографии, катализаторов, сенсоров, для очистки сточных вод от тяжелых металлов.

В данной работе проведена корреляция между молекулярной структурой и термодинамическими характеристиками для установления числа, силы и локализации адсорбционных центров, структуры наноконпозиционных материалов диацетат целлюлозы (ДАЦ)-кремнезем и полиакрилонитрил (ПАН)-кремнезем, механизма адсорбции полярных молекул воды, природы межмолекулярных взаимодействий, конформации и состояния адсорбционных кластеров, а также изучена термокинетика адсорбции. Изотермы обработаны уравнениями теории объемного заполнения микропор (ТОЗМ). Изотерма адсорбции воды в гибридных наноконпозиционных материалах хорошо описываются трехчленными уравнениями ТОЗМ. Рассчитанные по уравнению данные хорошо согласуются с экспериментальными. По уравнению Гиббса-Гельмгольца рассчитана мольная дифференциальная энтропия адсорбции воды в гибридных наноконпозиционных материалах ДАЦ-кремнезем и ПАН-кремнезем. Значения дифференциальной мольной энтропии показали, что состояние воды на поверхности льдоподобное (энтропия льда равно $-26,0$ Дж/моль·К). Среднемольная интегральная энтропия адсорбции воды, адсорбированной на поверхности ДАЦ-кремнезем, равна $-70,3$ Дж/моль·К, а для ПАН-кремнезем равна $-36,0$ Дж/моль·К. Значение среднемольной интегральной энтропии для ДАЦ-кремнезем указывает на то, что подвижность молекул адсорбированной воды сильно заторможено в гибридном наноконпозите, а в случае ПАН-кремнезем приближается к значению энтропии льда.

Таким образом, исследованы изотермы и дифференциальные теплоты адсорбции воды гибридными наноконпозиционными полимер-кремнеземными материалами. Использована прецизионная адсорбционно-калориметрическая установка, которая, помимо мольных термодинамических характеристик дает наиболее полную информацию о физической, химической и кристаллохимической природе поверхности адсорбента, а также о механизме и термокинетики адсорбции и состояния адсорбата в матрице адсорбента. Изотермы обработаны уравнениями теории объемного заполнения микропор. Изотерма адсорбции воды в гибридных наноконпозиционных материалах хорошо описывается трехчленным уравнением ТОЗМ.

п-БРОМФЕНИЛХЛОРАЦЕТАТ АСОСИДА СИНТЕЗЛАР

Абдушукуров А.К¹, Чориев А.У², Тошпулатов Т.И², Жураев Р.С².

¹Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети


²Қарши давлат университети

e-mail: azimjon-organik@mail.ru

Ароматик углеводородларни ациллаш реакциялари адабиёт маълумотларида берилган бўлиб, улар кўп миқдордаги катализаторлар иштирокида ўрганилган [1].

Аммо бу реакцияларни ўзига хос бир қанча муаммолари мавжуд бўлиб кўп миқдордаги катализатор ва сув талаб қилинади. Кейинги йилларда технологик жараёнларни соддалаштириш мақсадида бу реакцияларга каталитик миқдордаги катализаторлар қўлланилган [2-3]. Бу катализаторлар билан феноллар хлорацетилланганда реакция икки йўналишда бориб, О-ацилмаҳсулот ҳосил бўлиб эфирлар ва С-ациллаш реакцияси бориб изомер кетонлар аралашмаси ҳосил бўлган. Муаллифлар О-ацилмаҳсулот олиш услубларини ишлаб чиққанлар [4].

п-Бромфенолни хлорацетиллаш реакцияси каталитик миқдордаги FeCl₃ иштирокида олиб борилганда реакция 0,5 соатда бориб, маҳсулот унуми 85 % ни ташкил этди. Реакция маҳсулотининг таркиби ЮҚХ ва ГСХ ёрдамида ўрганилганда О-ациллаш маҳсулоти бўлган п-бромфенилхлорацетат (I) (21%) ва С-ацилмаҳсулот 5-бром-2-гидроксифенацилхлорид (II) (79%) ларнинг ҳосил бўлганлиги аниқланди:



Реакцияни О-ацилмаҳсулот ҳосил бўлиш томонига йўналтириш мақсадида изланишлар олиб борилди. Адабиёт маълумотларига таянган ҳолда эритувчи сифатида бензол ва ацетондан фойдаланилди.


Эритувчи сифатида абсолют бензол ишлатилганда, фақат битта маҳсулот п-бромфенилхлорацетат (I) ҳосил бўлишига эришилди. Реакция натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-Жадвал

п-Бромфенолни хлорацетиллаш реакцияси

№	Реагентларнинг нисбати п-бромфенол:Х АХ: FeCl ₃	Эритувчи	Реакция вақти, соат	Маҳсулот унуми, %	ГСХ бўйича маҳсулот таркиби	
					п-Бром-фенилхлорацетат	5-бром-2-гидроксифенацилхлорид
1	1:1:3·10 ⁻³	—	0,5	85	21	79
2	1:1	Ацетон	10	80	90	10
3	1:1	Абс. бензол	15	90	100	-

Биологик фаолликка эга бўлган янги моддаларни синтез қилиш мақсадида п-бромфенилхлорацетатнинг п-бромфенол, фенол ва метоксифенол билан нуклеофил алмашиши реакциялари ўрганилди. Бу реакциялар қуйидаги схема бўйича боради:



п-Бромфенилхлорацетатнинг нуклеофил алмашиниш реакциясининг бориши нуклеофил агентнинг тузилишига боғлиқ бўлади. Реакцияда бензол ҳалқасидаги гуруҳларнинг индуктив эффекти билан бир қаторда мезомер таъсир ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди ва фенолларнинг фаоллик қатори қуйидагича бўлади:

2-Жадвал

п-Бромфенилхлорацетат асосида синтез қилинган моддаларнинг унумлари ва физик-кимёвий доимийликлари

№	Реагент	Нуклофил агент	Реакция маҳсулоти	Модда унуми, %	Т.суюқ., °С	Т.қайн., °С*
1	п-Бромфенил хлорацетат	п-Бромфенол	п-Бромфенил-п'-бромфеноксиацетат	70	118-120	260-265
2	п-Бромфенил хлорацетат	Фенол	п-Бромфенил-феноксиацетат	60	73-75	240-242
3	п-Бромфенил хлорацетат	п-Метоксифенол	п-Бромфенил-п'-метоксифеноксиацетат	80	78-80	280-285

*-10 мм. сим. уст. ҳайдалди.

п-Бромфенолни хлорацетиллаш маҳсулотлари ҳамда п-бромфенилхлорацетат асосида синтез қилинган моддаларнинг физик-кимёвий доимийликлари аниқланди ва уларнинг тузилишлари ИҚ-, ПМР- спектрлари ёрдамида тасдиқланди.

Адабиётлар

1. Cullinane N.M., Edwards F. R. Conpazision of the Friesand Friedel-Crafts reaction // J. Appl. Chem. –1959. –vol. 9. –р. 133-136.
2. Абдушукуров А.К., Маматкулов Н.Н., Хлорацетилирование фенола в присутствии малых количеств катализаторов // Химия природин. Соедин. –1998. Спецвыпуск. –С. 60-61.
3. Маматкулов Н.Н., Абдушукуров А.К. Хлорацетилирование о-крезола в присутствии малых количеств катализаторов // Химия природин. соедин. –1999. Спецвыпуск. –С. 74-75.
4. Абдушукуров А.К., Маматкулов Н.Н., Ахмедов К.Н., Тураева Х., Бобоназаров Б. Получения м-толилхлорацетата и синтез биологически активных соединений на его основе. Тезис докладов научно практической конференции по актуальным вопросам химизации сельского хозяйства; Тез. докл. Респуб. науч. конф. 24-26 сентябрь 2002. Ташкент, 2002. г.

МЕЖСЛОЕВАЯ АДСОРБЦИЯ ПАРОВ ОРГАНИЧЕСКИХ ВЕЩЕСТВ НА МОДИФИЦИРОВАННЫХ МОНТМОРИЛЛОНИТАХ

¹Бойматов И.М., ²Рахматуллаева Н.Х., ³Жумаева Д.Ж., ³Эшметов И.Д.

¹Ферганский политехнический институт

²Ташкентско химико технологический институт

³Институт общей и неорганической химии АН РУз, E-mail:d.jumayeva@list.ru

В связи с расширением областей применения адсорбционных процессов вопрос получения дешевых угольно-минеральных сорбентов, сочетающих, полезные свойства угольных и оксидно-минеральных пористых тел является актуальным. Известны работы, в которых предлагаются методы получения модельных угольно-минеральных сорбентов на основе слоистых и слоисто-ленточных силикатов, предварительно для целей водоочистки ароматических веществ от непредельных углеводов [1].

Последние годы широко исследуются перспективные в практическом отношении интеркалированные глинистые адсорбенты, получаемые внедрением в межслоиное пространство слоистых глинистых минералов с расширяющейся структурой, крупных неорганических комплексных катионов алюминия, циркония и других [2-4], устойчивых к термическим воздействиям.

К настоящему времени широко исследована структура и адсорбционные свойства слоистых глинистых минералов. Путем применения тех или иных методов активации можно регулировать их поверхностные свойства и пористой структуры. Наиболее перспективным является регулирование первичной структуры слоистых силикатов с расширяющейся структурой путем замещения обменных неорганических ионов на крупные многовалентные неорганические катионы. Фиксирование в межслоином пространстве приводит к расширению базального межплоскостного расстояния, созданию микропористой структуры и повышения сорбции молекул веществ, для которых доступны зазоры между пакетами.

Адсорбция паров н-гексан и бензола на исходном и модифицированных адсорбентах измеряются на вакуумной установке с пружинными кварцевыми весами типа Мак-Бена [5].

Чувствительность кварцевой пружины составило $1.78 \cdot 10^{-3}$ кг/м. Во время опытов адсорбционную трубу с навесками образцов помещали в водяной термостат, обеспечивающий точность регулирования температуры в пределах ± 0.1 градуса. Десорбцию проводили путем последовательного отвода адсорбированного вещества. Структурно-сорбционные характеристики адсорбента оценивались с помощью уравнения БЭТ [6] или по данным изотерм в линейных координатах уравнения теории объемного заполнения микропор.

В качестве объемного метода исследования адсорбции мы выбрали способ непосредственного измерения изостер адсорбции. В этом случае при достаточно малом мертвом объеме опыт сводится к измерению давления при заданной температуре.

Перед проведением опытов по измерению изостеры адсорбции адсорбент тщательно откачивается при температуре, требуемой по условию термообработки до остаточного давления $1,33 \cdot 10^{-3}$ Па, после чего рабочий объем установки отделяется от насосов ртутным затвором 4.

Измерение адсорбционных изостер сводится к тому, что на адсорбент сначала подается точно измеренное количество адсорбата из микробюретки и при разных температурах адсорбента (с интервалом 5-6 градусов) измеряются равновесные давления. Последующие изостеры, соответствующие большим заполнениям сорбционного объема получают добавлением к уже сорбированному количеству новых порций адсорбата. Для измерения изостер десорбции необходимо адсорбент предварительно насытить адсорбируемым веществом; затем производится десорбция определенного количества

адсорбата в микробюретку. Количество десорбированного вещества определяется приростом уровня адсорбата в микробюретке.

Изостерный метод измерения параметров адсорбционного равновесия имеет ряд преимуществ перед методом измерения изотерм адсорбции.

Метод прост; измерение каждой изостеры заключается во введении точно измеренного количества адсорбата в пространство, содержащее адсорбент и измерении равновесных давлений при различных температурах; время установления равновесия при изостерном методе значительно меньше, чем при изотермном методе.

Этот метод приводит к результатам, непосредственно дающим температурную зависимость параметров адсорбционного равновесия. При измерении изостер адсорбции возможна линейная интерполяция, если представить результаты опытов в координатах $\lg P-T^{-1}$; изостеры адсорбции в этих координатах в широком интервале температур хорошо аппроксимируются прямыми линиями;

Из непосредственно измеренных изостер адсорбции, представленных в координатах $\lg P-T^{-1}$, весьма удобно вычисляются важнейшие термодинамические характеристики адсорбционного равновесия – дифференциальная теплота, энтропия и максимальная дифференциальная работа.

Внутренние адсорбционные объемы монтмориллонита с органо- и полигидроксиалюминиевыми катионами определяются межслоевыми и межкатионными расстояниями. Можно создать друг от друга пористую структуру монтмориллонита введением различных органических и гидроксикатионов. При этом обычно образуются структуры характерные для микропористых сорбентов шелевидными порами. При низких давлениях (при $P/P_s < 0$) сорбция, например, бензола, CCl_4 , н-гексана, н-гептана на органо и полигидроксиалюминиевом монтмориллонитах (ПГАМ) протекает в порах, ширина которых менее 0,7 нм. Учитывая, что молекулы адсорбатов на дегидратированном натриевом монтмориллоните сорбируются в основном на внешней поверхности, а на модифицированных образцах как на внешнем, так и во внутреннем объеме межслоевого пространства, проанализированы изотермы межслоевой адсорбции (зависимости разности адсорбции паров на модифицированном и исходном натриевом монтмориллонитах от P/P_s), на дегидратированных при температурах 293-673 К образцах. Изотермы межслоевой адсорбции на дегидратированных сорбентах характеризуются крутыми подъемами при малых P/P_s .

Следовательно, микропористость модифицированных сорбентов определяются, во-первых, крутизной изотерм на разных исследованных сорбентах объясняется, во-вторых, различиями в степени обмена ионов Na^+ на ионы модификатора, в-третьих, различиями в степени дегидратации.

Использованные литературы:

1. Тарасевич Ю.И., Руденко В.М., Климова Г.М., Пищай И.Я. Регулирование адсорбционных свойств отработанных алюмосиликатных сорбентов и катализаторов с целью их применения для очистки воды// Химия и технология воды 1980, № 5-С. 392-395.
2. Розенгарт М.И., Вьюнова Г.М., Исагулянц Г.В. Слоистые силикаты как катализаторы // Успехи хим.-1988.-Т.57.-№2.-С.204-227.
3. Lahav N., Shani U. Cross-linked smectites. I. Synthesis and properties of hydroxyaluminium montmorillonite // Clays and Clay min.-1978.-V.26.-№2.-P.107-115.
4. Stacey M.M Alumina-pillared clays and their adsorptive properties // Catal. today.- 1988.- V.2.-№2/3.-P.621-631.
5. Экспериментальные методы в адсорбции и хроматографии. М.:МГУ, 1973.447с.
6. Дубинин М.М. Адсорбция и пористость. Москва, 1972.-172 с.

АДСОРБЕНТЫ ДЛЯ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД

¹Носирова Н.Қ., ²Абдурахимов А.Х., ²Жумаева Д.Ж., ²Эшметов И.Д.

¹Ташкентско химико технологической институт

²Институт общей и неорганической химии АН РУз, d.jumayeva@list.ru

Сегодня в мире адсорбенты используются для очистки вод природных, технического назначения, коммунальных и промышленных стоков - от загрязнителей различной природы, а также для сорбции цветных и благородных металлов в гидрометаллургии. Использование угольных адсорбентов с целью очистки промышленных стоков и извлечения ионов благородных металлов даёт высокий экономический эффект.

С момента приобретения республикой независимости на основе проведения мер по организации на высоком уровне научных исследований в области развития разработки различных видов угольных адсорбентов на основе местного сырья и разработки технологий их применения для очистки промышленных стоков получены теоретические и практические результаты. В частности, разработаны технологические режимы и условия получения адсорбентов на основе местного сырья вместо импортных адсорбентов, используемых для очистки и умягчения промышленных сточных вод и выделения из технологических растворов металлургической промышленности драгоценных металлов. Нужно отметить, что несмотря на то, что наша Республика является богатой сырьевыми ресурсами, работы, проводимые в этом направлении, не отвечают требованиям сегодняшнего дня. В третьем направлении стратегии развития Республики Узбекистан [1] отмечены важные задачи, направленные на опережающее «развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов». Важно в этом направлении производство угольных адсорбентов из местного сырья для очистки промышленных стоков и выделения ионов цветных и драгоценных металлов из техногенных растворов.

В мире одной из задач по защите экологии является очистка промышленных стоков, извлечение из техногенных растворов благородных металлов, для решения которых разработка адсорбентов и их применение считается актуальной задачей. При этом с целью увеличения избирательного поглощения и продления сроков использования при очистке многокомпонентных промышленных сточных вод, разработка технологии получения адсорбентов с модификацией угля серой, фосфором и другими добавками; использование разработанных адсорбентов на производственных предприятиях нефтегазовой промышленности в процессе рекуперации для очистки и осушения газообразных углеводородов и паров растворителей; использование при полной регенеративной и деструктивной комплексной очистке промышленных сточных вод от вредных органических частиц; исследование их коллоидно-химических, физико-химических, технологических и адсорбционных свойств; разработка методов эффективной очистки промышленных сточных вод химических и нефтеперерабатывающих предприятий имеют научно-практическое значение и являются актуальными.

В мире над различными способами активации сырья для получения угольных адсорбентов для очистки промышленных стоков по ряду приоритетных направлений проводятся исследования, в том числе, по следующим основным направлениям: разработке способа активации угольного сырья для получения адсорбента (термическая, парогазовая, кислотная, химическая активации); разработке методов очистки и умягчения воды (адсорбция с помощью адсорбентов, очистка химическими реагентами); созданию различных композиции адсорбентов для очистки промышленных стоков насыщенных ионами различных металлов; усовершенствованию процессов очистки сточных вод; созданию новых технологий получения адсорбентов из активированного угля.

Целью работы является разработка технологии получения на основе местных углей импортозамещающих адсорбентов и применения их для очистки промышленных стоков.

Объекты исследования являются бурые и каменные угли ряда месторождений республики: Ангренского, Байсунского и Шаргунского, их термо- и кислотнo-активированные производные – активированные угли (АУ) - адсорбенты, сточные воды металлургических и нефтеперерабатывающих предприятий. Для выполнения экспериментальных работ использованы физико - и коллоидно-химические (ИК-спектроскопия, рентгенографическое, адсорбционные, аналитические и др.) методы исследования и анализов.

С этой целью создан высокоэффективный способ очистки сточных вод от нефтепродуктов с использованием избирательного термоактивированного адсорбента, полученного путем пиролиза (при температуре 500-550°C в течение 1-1.5 часа без доступа воздуха) из низкозольного Ангренского угля [2], обоснованы условия очистки промышленных стоков от органических веществ (полифенолов, хлористых соединений и т.п.) с использованием термоактивированного углеродного адсорбента, активированного парогазовым методом при 800°C в течении 1 часа. Также разработан способ умягчения жесткости промышленных сточных вод с использованием углеродного адсорбента, модифицированного CaCO₃, разработана комплексной многоступенчатой очистки промышленных стоков и пути вторичного применения отработанных адсорбентов в различных отраслях народного хозяйства Республики.

На основании исследований коллоидно-химических, технологических и минералогических свойств сырьевых ресурсов Ангренского, Байсунского, Шаргунского месторождений Республики для получения импортозамещающих адсорбентов, применяемых при очистке и умягчении промышленных сточных вод до норм ПДК, отобраны ангрениский бурый уголь марки 2БПК, шаргунский марки 1ССКОМ и байсунский марки 1Т каменные угли.

Из Ангренского бурого угля марки 2БПК, путем термоактивации нагревом при 550°C, в течении 1-1.5 часа без доступа воздуха получены пористые, обладающие высокими адсорбционными свойствами адсорбенты, которые рекомендованы для очистки сточных вод нефтеперерабатывающих предприятий от нефтепродуктов.

Разработан способ направленной активации ангрениских углей путем их термообработки и активации их поверхности при оптимальных режимах водяным паром, полученные адсорбенты рекомендованы для очистки промышленных стоков от неорганических (ионов) примесей. Установлено влияние длительности времени термической и парогазовой при 800-900°C активаций на адсорбционные свойства угольного адсорбента, установлена связь сорбционных свойств с химической активностью функциональных групп поверхности адсорбента.

Разработана технология получения нового композиционного адсорбента с повышенными на (75-80%) адсорбционными свойствами путем добавления к ангренискому и байсунскому углям солей щелочноземельных металлов; полученный адсорбент рекомендован к применению для снижения общей жесткости промышленных стоков от 35.0 мгэкв/г до 0.

Использованные литературы:

1. Мирзиеёв Ш.М. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя. Народное слово. 16 января 2017 г.
2. Jumaeva D.J, Toirov O.Z. The obtainment of carbon adsorbents and their composition for clearing industrial wastewater. Austrian Journal of Technical and Natural Sciences. – Vienna, 2016. – № 3-4. – P. 67-70.

АЗОТ ВА ФОСФОР ТУТГАН АНТИПИРЕНЛАРНИ МАТОЛАРНИНГ ЁНИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ

Абдурахмонов Ғ.А., Болтаева Ғ.М

Ўзбекистон Миллий университети.

Целлюлоза ҳамда унинг турли синтетик толалар билан аралашмасидан иборат материалларнинг ёнувчанлигини камайтириш учун таркибида азот- ва фосфор сақлаган антипирен бирикмаларнинг ёниш жараёнларига таъсир механизмини ўрганиш ишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Самарқанд давлат университетига, Ф-7-06 рақамли давлат фундаментал гранти тадқиқотлари доирасида, соф целлюлозадан ҳамда унинг турли синтетик толалар билан аралашмасидан иборат материалларнинг ёнувчанлигини камайтириш учун таркибида азот- ва фосфор сақлаган антипирен бирикмаларнинг ёниш жараёнларига таъсир механизмини Тадқиқот объекти сифатида таркибида азот- ва фосфор сақлаган, ноорганик бирикмалардан тайёрланган антипирен препаратлари билан ишлов берилган, целлюлоза ва унинг турли синтетик полимерлар билан аралаш толаларидан иборат материаллар танланган. Тадқиқот методи сифатида термик анализ усулларида фойдаланилган.

Турли таркибли материалларнинг ёниши ва термолизи жараёнлари механизмини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқилган антипирен препаратлари таъсир самарадорлигини баҳолаш мақсадида комплекс термоанализ усуллари ўтказилди. Пахта, полиэфир, вискоза толалари шунингдек, уларнинг турли нисбатлардаги аралашмаларидан иборат матоларнинг соф ўзлари ҳамда таркибида азот- ва фосфор сақлаган антипирен препаратлари билан ишлов берилган намуналари термик усулларда синовлардан ўтказилди.

Термик анализ усуллари Паулик-Паулик-Эрдей дериватографи системасида олиб борилди. Яхшилаб қиркиб майдаланган, массаси 100 ± 10 мг бўлган намуналар ҳаво оқимида, 10 °С/мин доимий тезликда, 1000 °С гача температурада қиздирилди. Гальванометр сезгирлиги ДТА 1/5, ДТГ 1/10, Т – 900 °С.

Олинган маълумотлардан антипирен билан ишлов берилган намуна парчаланишининг бошланғич температураси 200 °С, соф матога нисбатан (250 °С) пастлигини кўриш мумкин. Бу препарат таркибидаги натрий гидрокарбонатнинг парчаланиши осонлиги билан тушунтирилади. Авжли парчаланиш температураси 320 °С бўлиб, унинг амплитудаси $25,2$ %/мин тоза матоган нисбатан қарийб икки баробар камлиги натрий гидрокарбонат парчаланишидан ҳосил бўлган карбонат ангидриди ёниш жараёнида кислороднинг киришига халақит бериши ҳамда ишқорий характерга эгаллиги сабабли целлюлозанинг деполимеризацияси тезлигини пасайтиришини тахмин қилиш мумкин. Матонинг 50% қисми парчаланиш учун зарур температура 340 °С ни ташкил этади. 500 °С да ишлов берилмаган матонинг $84,76\%$ қисми, антипирен билан ишланган матонинг эса $75,0\%$ қисми, 600 °С ҳам мос равишда $96,8\%$ ва $82,5\%$ парчаланишни кўрамыз.

Кул қолдиғи тоза матога нисбатан қарийб 4 баробарга кўплиги препарат таркибидаги аммоний фосфатнинг кўплиги ҳамда натрий тузларининг мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Аланганинг юзага келиши ва тарқалишидан олдин қаттиқ материалнинг қизиши ва термик парчаланиш жараёни юз беради. Аланганинг илк ҳосил бўлиши ўт олиш жараёни сифатида қаралади. Ўт олиш жуда мураккаб ностационар жараён бўлиб, қаттиқ материалнинг муайян бир соҳаси очик аланга, электр учқуни ёки чўғланган жисм таъсирида тезликда юқори температурагача қизишидан иборат бўлади. Ушбу таъсирлар натижасида қаттиқ жисмнинг юзасида аланга юзага келади. Барқарор аланга юзага келиши учун қаттиқ жисм юзасининг температураси ёнишдаги стационар жараёнлар юз беришига имкон берувчи температурагача қиздирилиши лозим. Қаттиқ материалда аланга юзага келиши билан ўт олиш жараёни стационар ёниш режимига ўтиши мумкин.

ТЕРМОДИНАМИКА ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ В ГИБРИДНЫХ НАНОКОМПОЗИЦИЯХ И СМЕСЯХ ХИТОЗАН-КРЕМНЕЗЕМ

*Акбаров Х.И., Яркулов А.Ю., Умаров Б.С.,
Курбанова Л.М., Ниёзова Д.Б.*

Email: h.akbarov@nuu.uz

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

В последние годы в литературе большое внимание уделяется синтезу и исследованию физико-химических и термодинамических свойств наноконпозиций и наноструктур [1-3].

В работе приведены результаты термодинамических исследований и определения пористой структуры образцов хитозана (ХЗ) *Bombux mori*, пористого микросферического силикагеля (ПМСС), полученного из олигомера полиэтоксисилана (ПЭОС), хитозан-кремнеземных гибридных наноконпозиций, синтезированных золь-гель методом в присутствии ПЭОС или ТЭОС, а также капсулированного хитозаном ПМСС по результатам сорбции воды и бензола. Результаты исследований по сорбции паров воды показали, что с увеличением содержания хитозана в гибридных наноконпозициях, синтезированных в присутствии ПЭОС наблюдается резкое уменьшение значений мономолекулярного слоя, удельной «водной» поверхности и среднего радиуса пор по воде. Отрицательные значения средней свободной энергии смешения полимер-вода и энергии Гиббса также уменьшаются, что указывает на ухудшения взаимодействия с увеличением содержания хитозана в наноконпозиции. В случае капсулированных хитозаном наноконпозициях с увеличением содержания хитозана значения мономолекулярного слоя практически остаются постоянными, а значения удельной «водной» поверхности и среднего радиуса пор по воде изменяются незначительно. В капсулированных образцах значения x_m , r_{cp} и $S_{уд}$ значительно больше по сравнению с гибридными наноконпозициями, где наблюдалась высокая сорбционная способность, приближающаяся к значениям сорбции паров воды образцом ПМСС. По-видимому, при капсулировании хитозан образует достаточно тонкий слой и обладает достаточно пористой структурой, проницаемой для молекул воды, который затем сорбируется на ПМСС. С увеличением содержания хитозана поверхность ПМСС становится плотной, что приводит к незначительному уменьшению сорбционной способности.

Значения пористой структуры и термодинамических функций гибридных наноконпозиций хитозан-кремнезем определены и по результатам сорбции паров бензола. Расчеты показали, что истинная удельная поверхность принимает большие, а средний радиус пор малые значения по сравнению с данными по сорбции воды. Средняя свободная энергия и энергия Гиббса принимает значительно более отрицательные значения.

ЛИТЕРАТУРА

1. Yarkulov A.Yu., Umarov B.S., Akbarov Kh.I. Thermodynamical properties of mechanical mixtures and nanocompositions diacetatcellulose-silica. Austria, Vienna. 2016, № 11-12, P. 85-88.
2. A.Yu.Yarkulov, B.U.Umarov, Kh.I.Akbarov. Sorbtion and Thermodynamical Properties of Mechanical Mixtures and Nanocompositions Diacetatcellulose-Silica. International Journal of Engineering Science Technology and Research (IJESTR), 2017, V.1, P.1-6.
3. Kh.I.Akbarov, G.R.Rakhmatkariyev, Yo'.Yu.Yakubov, A.Yu.Yarkulov. Precession adsorption-calorimetric investigationsions of hybrid dyacetate cellulose-silica nanocompositions. "Specialty polymers for environment protection, oil industry, bio-nanotechnology and medicine" Almaty. September 7-9, 2017. P. 41.

β-ДИКАРБОНИЛ БИРИКМАЛАРНИНГ РЕАКЦИОН ҚОБИЛИЯТИНИ КВАНТ-КИМӨВИЙ ҲИСОБЛАШЛАР ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ


Абдурахмонов С.Ф.

Бухоро давлат университети

abdu_sayfiddin@mail.ru

Кимёвий бирикмаларда “таркиб-тузилиш-хосса” тизимини ўрганиш натижасида комплекс бирикмаларнинг таркиби, хоссалари, молекуляр тузилишини, лигандларнинг координацион марказларини олдиндан башорат қилиш мумкин. Олинган маълумотларни анализ қилиш натижалари аниқ бир таркиб, хосса ва тузилишга эга бўлган комплекс бирикмаларни синтез қилиш имкониятини беради. Квант-кимёвий усулларнинг қўлланилиши натижасида электрон зичликлари, реакцияларнинг потенциал сирти, атомлар ва атомлар гуруҳининг фазовий ҳолати, турли спектроскопик катталикларнинг, масалан ютилиш, рентген, тебранма, электрон спектрларини, ядро ва электрон магнит резонансларни ҳисоблашлар имконини беради.

Лигандларнинг реакция қобилиятини ўрганишимиз учун объект сифатида β-дикарбонил бирикмалар ва уларнинг ацилгидразонлари тузилиши, эффектив зарядларнинг тақсимланиши, боғларнинг карралилиги, ҳосил бўлиши иссиқликлари каби параметрларни Нурсchem дастурида квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари ёрдамида аниқладик. Бензоилацетон молекуласида иккита карбонил гуруҳининг реакция қобилиятини солиштириш учун молекуладаги карбонил гуруҳларининг боғ карралилиги ўрганилди. Ароматик ҳалқа ёнидаги карбонил гуруҳининг боғ карралилиги қўшни карбонилга нисбатан кичик эканлиги аниқланди ($BK_{A(C=O)}=1,884$, $BK_{B(C=O)}=1,904$).



Дикарбонил бирикмаларда боғларнинг карралилиги

№	R	R'	A(C=O)	B(C=O)
1	CH ₃	CH ₃	1,9504	1,9471
2	C ₆ H ₅	CH ₃	1,9312	1,9483
3	CH ₃	CF ₃	1,9489	2,0207
4	CH ₃	CCl ₃	1,948	1,9908
5	CH ₃	C(CH ₃) ₃	1,9451	1,961
6	C ₆ H ₅	CF ₃	1,9294	2,0184

Дикарбонил бирикмаларда C=O боғларининг узунлиги

№	R	R'	A(C=O)	B(C=O)	Молекуланинг энергияси (ккал/моль)
1	CH ₃	CH ₃	1,2115	1,2121	-1477,862
2	C ₆ H ₅	CH ₃	1,2141	1,2119	-2400,4357
3	CH ₃	CF ₃	1,2118	1,2002	-1524,4162
4	CH ₃	CCl ₃	1,2119	1,2061	-1415,4395
5	CH ₃	C(CH ₃) ₃	1,2123	1,2098	-2317,6247
6	C ₆ H ₅	CF ₃	1,2141	1,2008	-2447,2555

Ацетилгидразиннинг дикарбонил бирикмага ҳужуми А карбонил гуруҳига нисбатан Б карбонил гуруҳига кўпроқ боради. Ҳисоблаш натижасида олинган молекула ҳосил бўлиш энергиясининг бундай қиймати юмшоқ шароитда конденсатланиш Б карбонил гуруҳи томонидан боришини кўрсатди.

NITROMEZITILENNI β -GIDROKSJETILMALEINIMID BILAN REAKSIYASI


Yuldasheva M.R., Turayeva X.K., Sodiqova M.A.

O'zMU

Bugungi kunda malein anhidrid va malein kislota hosilalari barqaror, arzon narxda va yuqori sintetik salohiyatga ega bo'lganligi uchun "Organik sintez" sohasida keng tarqalgan reagentlar hisoblanadi. Ular ko'proq dorivor moddalar ishlab chiqarishda gerbitsidlar, insektitsidlar, polimer va kompozit materiallar olishda ishlatilib kelinmoqda. Misol uchun, isizlikka chidamli uglerod tolasini ishlab chiqarishda bis-maleinimidlar, yo'l bitumiga yopishtiruvchi qo'shimchalar ishlab chiqarish va silliqlash vositasi uchun ishlatiladigan qattiq materiallar ishlab chiqarish jarayonida maleinangidridning funksional hosilalaridan keng foydalaniladi. Reaksiyalarda N-arilmaleinimid aromatik halqada o'rinbosar akseptor gruppasi hisoblanadi va mahsulotga nisbatan yuqori rentabelligini ta'minlaydi [1,2,3,4,5].

Elektrofil almashinish reaksiyasi aromatik qatorda juda keng foydalaniladigan sintetik usul bo'lib, turli tuman mono-, di- va polialmashingan aromatik birikmalarni olishda ko'p qo'llaniladi.


Biz nitromezitilenni elektrofil almashinish reaksiyasi uchun alkillovchi elektrofil reagent sifatida β -gidroksietilmaleinimiddan foydalandik. Adabiyot ma'lumotlariga tayangan holda va β -gidroksietilmaleinimidning birlamchi spirt ekanligini hisobga olib nitromezitelinni amidoalkillash reaksiyasini proton kislotalar - sulfat, fosfat kislotalar ishtirokida olib borildi. Amidoalkillash reaksiyalari uchun dastlab, β -gidroksietilmaleinimid sintez qilindi. Reaksiya tenglamasi quyidagicha:




b

e

Biz tanlab olgan β -GEM birlamchi spirt bo'lsa ham reaksiyalar nisbatan yumshoqroq sharoitda olib borildi. Bunga sabab, β -GEM molekulasidagi ikkita karbonil guruhining borligi yoki funksional guruhlarning elektron buluti zichligini o'ziga quyidagicha tortishidir:



Nitromezitelinning β -GEM bilan reaksiyasini sulfat kislota ishtirokida o'rgandik. Reaksiyasi uchun reagentlar- β -GEM:sulfat kislota 1:1:1 mollar nisbatda olinib va 80°C haroratda benzolda olib borildi. Reaksiya tenglamasi quyidagicha:



R

e Olingan mahsulot yupqa qatlam xromatografiyasida tekshirildi. Yupqa qatlam
 xromatografiyasi uchun erituvchi sifatida benzol va atsetonning 3:1 mollar nisbatidan foydalanildi:
 $R_f=0,64$, $R_f=0,55$.

s Reaksiya natijasida olingan moddalar etil spirtida qayta kristallab tozalandi. IQ-spektrini
 b'rganganimizda, quyidagi yutilish chiziqlari borligi aniqladik: 740, 760, 825, 880 va 1600, 3010
 (sm^{-1}) sohalarda aromatik halqaga xos bo'lgan deformatsion va valent tebranishlari; 1275, 1231 va
 2536 (sm^{-1}) sohalarda qo'sh bog' tutgan $\text{HC}=\text{CH}$ guruhining deformatsion va valent tebranishlari,
 1445 va 2930, 2850 (sm^{-1}) sohalarda metilen guruhlarining deformatsion va valent tebranishlari,
 1740 (sm^{-1}) sohalarda azotga bog'langan karbonil guruhining valent tebranishlari borligi aniqlandi.

a

t

i

j

a

s

i

d

a

q

u

y

i

d

a

g

i

c

h

a

a

y

a

n

Foydalangan adabiyotlar ro'yxati:

1. Р.Н. Исаев Методы количественного определения малеинимидов Монография, Барнаул 2001, 3-4 стр.
2. Колямшин О.А., Афанасьев Е.С., Данилов В.А., Кольцов Н.И. Имиды малеиновой кислоты и их производные. Бутлеровские сообщения. Казань. Республика Татарстан. Россия. 2012. Т.30. №4. С.68-70
3. Михайлин Ю.А. Термоустойчивые полимеры и полимерные материалы. СПб.: Профессия. 2006. С.528-623.
4. Михайлин Ю.А., Мийченко И.П. Малеинимидные связующие (обзор). Пластические массы. 1992. №5. С.56-64.
5. Светличный В.М., Кудрявцев В.В. Полиими́ды и проблема создания современных конструкционных композиционных материалов. Высокомолекулярные соединения. Серия Б. 2003. Т.45. №6. С.984-1036.

N-(2-АЦЕТОКСИ-ЭТИЛ-)МАЛЕИНИМИД ЭФИРИНИНГ СИНТЕЗ УСУЛЛАРИ

Ҳозирги кунда барча фанларнинг мақсад ва унинг мазмунида бутунлай янгиланиш рўй бермоқда. Бунга сабаб, илм-фан шиддат билан ривожланишидир. Ушбу ривожланиш органик кимёдаги янгиликларда ўз аксини топиб бормоқда. Бугунги кунда шу пайтгача баъзи органик бирикмаларни синтез қилиб бўлмади деб таъкидлаб келинган органик бирикмаларни синтез қилиш имкониятлари топилган. Шу қаторда узоқ вақт талаб этадиган реакциялар ёки маҳсулот унуми кам бўлган реакцияларда қисқа вақтда юқори унум билан маҳсулот олиш имконини берадиган реакцияларнинг муқобил шароитлари топилган. Органик бирикмаларни синтез қилишда янги катализаторнинг, янги усулларини қўлланиши синтезларнинг янада соддалашишига, қулай усулларини ишлаб чиқиш, маҳсулот унумининг ортишига, реакциянинг тезлашишига олиб келади. Шундай усуллардан бири, ўзида гидроксил гуруҳи тутган турли хил табиатли бирикмаларнинг мураккаб эфирларини синтез қилиш учун ациллаш ҳамда алкиллаш реакцияларини чуқур ўрганиш, ундаги қонуниятларни аниқлаш, реакцияни олиб боришнинг муқобил шароитлари ва йўналишларини топишга хизмат қилиш ҳозирги замон органик кимёнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.


Органик кимёда энг кўп қўлланиладиган реакцияларга алкиллаш ва ациллаш реакциялари мисол бўлади. Алкиллаш, ациллаш реакциялари углерод-углерод боғи ҳосил қилиш ҳисобига органик бирикмаларнинг янги ҳосилалари синтез қилинади.

ЎЗМУ органик кимё кафедраси ходимлари томонидан кўп йиллардан буён турли органик бирикмалар синфларини систематик равишда алкиллаш ва ациллаш реакциялари ўрганилиб келинмоқда. Спиртларни турли ацилловчи реагентлар ёрдамида ациллаш реакциялари ўрганилган ва реакцияларнинг муқобил шароитлари таклиф этилган. Реакциялар натижасида юқори унум билан олиниши мумкин бўлган мураккаб эфирларнинг турли соҳаларда кенг ишлатилиши маълум.

Малеин кислота ва унинг ҳосилаларида фаол қўшбоғ` мавжудлиги туфайли осонлик билан турли синф мономерлари билан сополимерлар ҳосил қилинади. Маленимидга асосида олинган маҳсулотлар, шунингдек, полимер ва сополимер материаллари электроника-электротехника соҳаларида, авиация технологияларида, тиббиётда, машинасозликда изолясиялаш воситалари сифатида, бўёк материалларини ишлаб чиқаришда ишлатилади[1,2].

Айрим малеин кислота ҳосилалари пестисидлар сифатида ишлатилади. Улар юқори фунгидсидлик ва бактерисидлик фаоллигини намоён этади. Бу турдаги бирикмалар тиббиётда саратон, ВИЧ, диабет, Алсгеймер касаллиги ва ОИТВ ни ўз ичига олган бир қатор касалликларни даволаш учун юқори самарадорлик хусусиятига эга фармасефтик препаратлар сифатида тавсия этилган[3].

Малеин кислота ҳосилаларини этерификация реакцияси орқали турли хилдаги биологик фаолликка эга бўлган маҳсулотлар олиш ва шу билан бир қаторда, мураккаб эфирларнинг турли соҳаларда кенг ишлатилиши мумкин эканлиги туфайли, малеин кислота ҳосилалари бўлган бирикмаларни синтез қилиш ва унинг ҳосилаларини ўрганиш органик кимёнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.



(I) Биринчи усулда синтез қилинган N-(2-ацетокси-этил-) малеинимид Филипп Экштейн ва Хельмут Риттер авторлари томонидан ўрганилган бўлиб, унга кўра сирка ангидрид ва сувсизлантирилган натрий ацетат катализаторлигида микротўлқинли (microwave (MW) irradiation) нурланиш орқали, тегишли эфир 65% унум билан синтез қилишган [4].

(II) Иккинчи усулни амалга оширишда тегишли N-(2-гидроксиэтил)малеинимидни бирламчи спирт эканлигидан фойдаланиб сульфат кислота катализаторлигида сирка кислота билан этерификация реакциялари олиб борилди, тегишли сирка кислотанинг малеинимидоэтил эфири 60% унум билан, $T_{\text{суюқ}}=80-81^\circ\text{C}$, $R_f=0,45$ (silufol, система бензол-этилацетат 3:1) эфир олинди.

(III) Учинси усулда дастлаб N-(2-гидроксиэтил)малеинимиддан N-(2-хлорэтил)-малеинимиднинг синтези амалга оширилди. Бунинг учун тионилхлоридни пиридин эритувчида, механик аралаштиргич билан жихозланган уч оғизли туби юмалоқ тубли колбада 0°C (муз сув хаммоми)да реакция олиб борилди. Бу усул спиртларни галогенлаш усулидан фойдаланган холда бажарилди. Реакцион аралашма совутилган холатда олиб борилиши, бу малеинимиддаги қўш боғ ҳисобига кетмасликни таъминлайди. Тушган сариқ чўкмани ажратиб олинди унум 33% ни ташкил этди. Адабиёт маълумотларида мураккаб эфирларни олиш учун карбон кислоталарнинг тузларига галогеналканлар таъсир эттирилган. Шу усул билан фазовий жиҳатдан синтез қилиш қийин бўлган кислоталарнинг эфирлари олинган [7]. Адабиёт маълумотларига таянган холда N-(хлорэтил)малеинимиднинг карбон кислоталар тузлари билан реакциялари амалга оширилмоқда.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Колямшин О.А., Афанасьев Е.С., Данилов В.А., Кольцов Н.И. Имиды малеиновой кислоты и их производные. Бутлеровские сообщения. Казань. Республика Татарстан. Россия. 2012. Т.30. №4. С.68-70
2. Михайлин Ю.А., Мийченко И.П. Малеинимидные связующие (обзор). Пластические массы. 1992. №5. С.56-64.
3. Yongxian Fan, Yuele Lu, Xiaolong Chen, Babu Tekwani, Xing-Cong Li and Yinchu Shen (Anti-Leishmanial and Cytotoxic Activities of a Series of Maleimides: Synthesis, Biological Evaluation and Structure-Activity Relationship) Academic Editors: Muhammad Ilias and Charles L. Cantrell Received: 2018;
4. Philipp Eckstein & Helmut Ritter (Microwave-assisted synthesis, transesterification and polymerization of N-(2-acetoxy-ethyl-)maleimide), *Designed Monomers and Polymers*, (2005) 8:6, 601-607.

2-ХЛОРО-4,6-ДИМЕТОКСИ-1,3,5-ТРИАЗИН ИШТИРОКИДА АРОМАТИК КАРБОН КИСЛОТАЛАРНИНГ ВИНИЛ ЭФИРЛАРИ СИНТЕЗИ

Парманов А.Б., Нурмонов С.Э., Зиядуллаев А.Э., Исомиддинов Ж.Қ.

Ўзбекистон Миллий Университети


e-mail: asqar.parmanov@mail.ru

Тел: +99897-422-72-98


Ҳозирги вақтда эфирлар, амидлар, ангидридлар ва пептидларни синтез қилишда карбон кислоталарни фаоллантиришда 2-хлоро-4,6-диметокси-1,3,5-триазиндан фойдаланилмоқда. Карбон кислоталарнинг бошқа бирикмаларига қараганда уларнинг ангидридлари галогенли ҳосилаларини ёки фаол эфирларини синтез қилишда кам самарали ациллаш хусусиятига эга бўлсада, гетероциклли бирикмаларни синтез қилишда, металл комплексли каталитик реакцияларда, бир қанча ноёб реакцияларда субстрат сифатида ва бошқаларда ишлатилади [1].

Оддий ва мураккаб винил эфирлар органик синтезда бошланғич модда сифатида кенг қўлланилади. Карбон кислоталарнинг винил эфирлари биологик фаолликка эга бўлиб, медицинада турли хил касалликларни, очиқ жараларни даволашда, оғриқни қолдирувчи препаратлар сифатида, кимё ва электротехникада эса эритувчилар, ҳамда кўплаб препаратлар учун бошланғич хом ашё сифатида фойдаланилади [2].


Ушбу ишда ароматик халқада турли ўринбосар тутган бензой кислота ҳосилалари билан 2-хлоро-4,6-диметокси-1,3,5-триазиннинг N-метилморфолин иштирокидаги реакцияси натижасида ароматик карбон кислоталарнинг ангидридлари олинди. Синтез қилинган кислота ангидридларига учламчи калий бутилат билан винил ацетат орасидаги реакциядан ҳосил қилинган калий винилат билан реакцияга киришиб мос равишдаги винил эфирларни ҳосил қилади. 2-Хлоро-4,6-диметокси-1,3,5-триазин юмшоқ реакция шароитида N-метил морфолин иштирокида карбон кислоталар билан реакцияга киришиб триазиннинг фаол эфирлари 2-арилокси-4,6-диметокси-1,3,5-триазинларни ҳосил қилади. Реакция механизми куйидагича кетади. Дастлаб 2-хлоро-4,6-диметокси-1,3,5-триазин билан N-метилморфолин реакцияга киришади:




Ҳосил бўлган оралиқ комплекс карбон кислота билан таъсирлашиб 2-арилокси-4,6-диметокси-1,3,5-триазинни ҳосил қилади.




Ҳосил бўлган триазин эфир карбон кислотанинг иккинчи молекуласи билан таъсирлашиб мос ангидридни ҳосил қилади.



Олинган карбон кислота ангидридлари учламчи калий бутилат иштирокида винил ацетат билан реакцияга киришиб, карбон кислоталарнинг винил эфирларини ҳосил қилади. Бунда дастлаб t-BuOK нинг винил ацетат билан реакцияга киришиб сирка кислотанинг учламчи бутил эфири ва калий винилатни ҳосил қилади.



Реакцияда ҳосил қилинган калий винилат билан карбон кислота ангидриди реакцияси натижасида мос равишдаги карбон кислотанинг винил эфирини ҳосил қилади.



Ишда бир қанча ароматик халқада турли ўринбосар тутган бензой кислоталар ангидридлари билан калий винилат реакцияси гомоген шароитда ўтказилди ва винил эфирлар юқори унум билан синтез қилинди. Олинган барча винил эфирлар тузилиши ИҚ-, ^1H - NMR, ва ^{13}C -NMR спектрлар асосида таҳлил қилинди. Синтез қилинган винил эфирларнинг унумлари жадвалда келтирилган.

Ароматик карбон кислота ангидридидан винил эфир синтези

№	R	Винил эфирнинг унуми, %	Суюқ. ҳар., °C
1	H-	60	мойсимон суюқлик
2	4-CH ₃ -	41	мойсимон суюқлик
3	4-F-	66	мойсимон суюқлик
4	4-Br-	58	58–60
5	3-F ₃ C-	43	мойсимон суюқлик
6	3-NO ₂ -	58	57–59
7	4-NO ₂ -	44	75–77
8	4-CH ₃ O-	70	59–61
9	3,4-(CH ₃ O) ₂ -	56	57-59
10	2-Br-	45	мойсимон суюқлик

Бу ишда гомоген шароитда металл катализаторлари иштирокисиз бир асосли карбон кислоталарнинг винил эфирлари синтез қилинди. Жараёнда ароматик карбон кислоталарнинг ангидридлари билан калий винилат таркибидаги винилокси гуруҳининг алмашилиш реакцияси осон кетиши аниқланди. Ароматик халқадаги ўринбосарнинг электрон эффекти реакция унумига таъсир этмаслиги кўрсатилди. 3-Нитро, 4-фтор, 4-бром ва 4-метокси бензой кислотаси ангидридларига мос келадиган винил эфирларнинг унуми юқори бўлиши аниқланди.

Ушбу иш МУ-ФЗ-20171025111 ёшлар фундаменталь гранти доирасида бажарилди.

Адабиётлар

- Zbigniew J. Kaminski, Beata Kolesinska, Marcinkowska Małgorzata. Mild and efficient synthesis of carboxylic acid anhydrides from carboxylic acids and triazine coupling reagents. Synthetic communications. Vol. 34, No. 18, pp. 3349–3358, 2004.
- Parmanov A.B., Nurmanov S.E., Tomash Maniecki, Ziyadullayev O.E., Abdullayev J.U. Homogeneous vinylation of 2-hydroxy-2 phenylethanal acid. International journal of research - Granthaalayah, India 6 (11), 350-354. (2018).

БЕТУЛИННИНГ НАЗАРИЙ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ГЕОМЕТРИК ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИНИ ТАҚҚОСЛАШ

Турғунбоев Ш.Ш.¹, Хаитбаев А.Х.², Ибраимова Д.¹

¹*Фаргона давлат университети*

²*Ўзбекистон Миллий университети*

Бетулин унча кўп бўлмаган миқдорда кўплаб ўсимликлар таркибида аниқланган, айниқса қайин дарахти пўстлоғи таркибида кўп миқдор (масса жиҳатдан 10-35%) да учрайди, шу сабабли қайин дарахти пўстлоғи етарлича даражада майин ва шу билан биргаликда, чириш таъсирига чидамли ҳисобланади. Маълумки, бетулин ва унинг ҳосилалари кенг спектрдаги биологик фаолликка эга [1].

Бетулин моддасининг тузилиши ва физик-кимёвий константаларини замонавий компьютер моделлаш дастурларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бетулин учун яроқли ҳисоблаш усулларини танлашда бетулиннинг геометрик параметрлари ва ¹³C ЯМР спектрлари танлаб олинди.

Ҳисоблаш натижаларига кўра мусбат заряд миқдори энг кам углерод атомлари (кислород атомлари боғланган ва қўшбоғ тутган) энг кучсиз магнит майдонда сигнал берган (жадвал №1).

Жадвал №1.

ЯМР сигналлари ҳамда электрон зичлик тақсимоми миқдорий корреляцияси

Фойдаланилган квант-кимёвий усул	Тегишли моддалар			
	Бетулин	Бетулон	Бетулин алдегид	Бетулон алдегид
RM1	$R^2 = 0,107$	$R^2 = 0,503$	$R^2 = 0,464$	$R^2 = 0,649$
PM6	$R^2 = 0,064$	$R^2 = 0,401$	$R^2 = 0,349$	$R^2 = 0,508$
PM7	$R^2 = 0,247$	$R^2 = 0,442$	$R^2 = 0,393$	$R^2 = 0,558$
NPA	$R^2 = 0,078$	$R^2 = 0,516$	$R^2 = 0,467$	$R^2 = 0,642$
МК	$R^2 = 0,316$	$R^2 = 0,602$	$R^2 = 0,545$	$R^2 = 0,240$

Жадвалдан кўринадики бетулинга нисбатан унинг ҳосилаларида корреляция қиймати анча юқори. Демак бу моддалар (айниқса бетулон алдегид) ЯМР сигналларининг чиқиш соҳалари кўпроқ электрон зичликка боғлиқ, бетулинда эса бошқа омиллар бирмунча кўп таъсир кўрсатади.

Заряд тақсимоми (ЗТ)ни аниқлашда МК ва PM7 усуллари бўйича олинган малумотлар бошқа усулларга қараганда юқори кўрсаткичларни кўрсатди. Айрим усулларда (масалан малликен) базис функцияларни ўзгартириш билан атомлардаги заряд қиймати ҳам кескин ўзгаради. Бундай усулларда ҳисобланган заряд ҳақиқий заряддан анча узоқ бўлиб муҳим хулосалар қабул қилишда катта ҳатоликларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли ЗТни аниқлашда базис функциялар ўзгариши билан атомларнинг заряди кам ўзгарадиган усулни танлаш лозим. Бундай услубларга МК ва NPA каби усулларни мисол қилишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Василенко Ю.К., Семенченко В.Ф., Фролова Л.М. и др. Фармакологические свойства тритерпеноидов коры березы // Экспериментальная и клиническая фармакология 1993. Т. 56. № 4. С. 53–55
2. James J. P. Stewart Optimization of parameters for semiempirical methods V: Modification of NDDO approximations and application to 70 elements.


АТОМ-МОЛЕКУЛЯР ТИЗИМЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УЧУН МОЛЕКУЛЯР ДИНАМИКА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯРАТИШ

Жунусалиева Г., Мирзалиева М., Нишонов М.


Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, Кимё факультети

Ушбу илмий тадқиқод ишида 256 та фиктив зарралардан (атомлардан ёки молекулалардан) иборат атом-молекуляр тизим учун ҳарорат ва босимни вақт бўйича мувозанат ҳолатига ўтиши мобайнидаги ўзгаришлари, кинетик ва потенциал энергияларни ҳароратга боғланишларини ҳисоблаш замонавий ФОРТРАН алгоритмик тилида ёзилган компьютер программалари ёрдамида амалга оширилди. Ҳисоблашларда атом-молекуляр тизим Ленард-Жонс икки заррали реалистик потенциал ёрдамида моделлаштирилди.

Натижалар график кўринишда қуйида келтирилган:



Расм 1: Ҳарорат (а) ва босимни (б) вақт бўйича мувозанат ҳолатига ўтиши.



Расм 2: Кинетик (в) ва потенциал (г) энергияларнинг ҳароратга боғлиқлиги.

Юқоридаги 1- расмда ўзгармас ҳажмли соҳада жойлашган 256 та зарралардан иборат тизим бошланғич ҳолатда тартибсиз ҳаракатдан вақт ўтиши билан мувозанат ҳолатига ўтаётгани, яъни ҳарорат ва босим ўзгармас қийматга интилаётгани кўриняпти.

Пастдаги 2- расмда эса ҳарорат ортиши билан кинетик энергия ортиб бораётгани, потенциал энергия эса – камаяётгани тасвирланган.

АКТИВЛАНГАН АЛЮМИНИЙ ОКСИДИ АСОСИДАГИ АДСОРБЕНТ ҚОЛДИҒИНИ ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁРЛАШ

Маманазаров М.М., Юсупов Ф.М.

mmm271294@gmail.com

ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти, Тошкент ш.

Ҳозирги кунда Республикамизда бир нечта газни қайта ишлаш заводлари ишлаб турибди. Ушбу заводларда газни қуритишда алюминий оксиди асосидаги адсорбентлардан ҳам кенг фойдаланилади. Фойдаланилган адсорбент қолдиқлари эса чиқинди сифатида сақланиб қолмоқда. Ушбу чиқиндиларни қайта ишлаб иккиламчи хомашёга айлантириш ва ундан фойдаланиб саноат учун зарур маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Бу эса ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан фойдали ҳисобланади. Ҳозирги даврда газ маҳсулотлари таркибидаги сувни ажратишда самарали усуллардан бири адсорбцион усул ҳисобланади. Адсорбентлар сифатида одатда силикагел, алюмосиликагел, активланган алюминий оксиди, боксит ва цеолитлар ишлатилади. Адсорбциядаги турли мураккаб жараёнлар туфайли адсорбент углеводородлар, кокс, олтингугурт бирикмалари ва тузлар билан ифлосланган бўлиши мумкин [1-3].

Чиқинди ҳолатидаги ФМА-1 адсорбентини тозалаш учун маъқул шароитларни аниқлаш мақсадида ФМА-1 бир қанча ҳароратларда куйдирилди. Дастлаб куйдиришни турли температураларда амалга оширилди ва бу намуналарнинг масса йўқотиши, зичлиги, ғовақларнинг умумий ҳажми аниқланди.

1-жадвал. Намуна зичлиги ва ғовақлари умумий ҳажмининг куйдириш ҳароратига боғлиқлиги

Куйдириш ҳарорати	Зичлик, г/см ³	Ғовақларнинг умумий ҳажми, см ³
200	0.955	0.32
400	0.861	0.39
600	0.832	0.48
800	0.798	0.51
1000	0.795	0.51

Натижалар кўрсатиб турибдики, намуналар зичлиги ҳарорат ортиши билан камайиб бормоқда. Ғовақларнинг умумий ҳажми эса, аксинча, ортиб бормоқда. Шунингдек, куйдирилганда масса камайиши намуна таркибидан турли учувчан бирикмалар (олтингугурт бирикмалари, углеводородлар) чиқиб кетаётганлигини кўрсатади. Бу ўзгаришлар асосан 800⁰ С гача давом этди, ҳароратнинг яна оширилиши ушбу хоссаларга деярли таъсир ўтказмади.

2-жадвал. Янги (230 S) адсорбент, чиқинди (ФМА-1) ва тозаланган (ФМА-2) намуналардаги асосий элементларнинг фоиз миқдори

Намуна	Al	Si	Cl	K	Ca	Ti	V	Fe	Na	S
230 S	46.2	0.07	1.59	0.05	0.029	0.1	0.2	0.025	1.20	-
ФМА-1	40.1	0.06	1.98	0.03	0.035	0.11	0.21	0.018	1.35	0.07
ФМА-2	42.3	0.08	1.35	0.03	0.03	0.14	0.22	0.01	0.85	-

Адсорбцияни бутан ёки ундан юқори молекуляр массали углеводородлар мураккаблаштиради, бу моддалар адсорбентга ютилади ва десорбция вақтида юқори температура сабабли (200-350⁰ С) адсорбент ғоваклариди кокс қолдиқларини пайдо қилади. Одатда адсорбентни регенерациялаганда бу кокс қатламлари ёқиб юборилади. Адсорбент бир неча марта регенерацияланганда аста-секин бу кокс қатлами кўпайиб боради. Адсорбция жараёнида углеводородлар ва сувдан ташқари водород сулфиди ва яна бошқа олтингугурт бирикмалари ҳам қатнашиши мумкин. Бу газлар кокс қатлами билан таъсирлашиши натижасида турли углерод бирикмаларини ҳосил қилиши мумкин (CS₂). Куйдириш ва ювиш натижасида адсорбентни ифлослантирган моддаларнинг айримлари бутунлай йўқотилди, айримлари эса камайтирилди.

3-жадвал. Намуналарининг айрим физик-кимёвий хоссалари

Намуналар	Зичлик, г/см ³	Ғовакларнинг умумий ҳажми, см ³
230 S (тоза адсорбент)	0.820	0.55
ФМА-1	0.972	0.27
ФМА-2	0.798	0.51

Хулоса қилиб айтганда, ФМА-1 намуналарини 800⁰ С да куйдириш мақсадга мувофиқ экан. Шунингдек, тозалаш натижасида хомашё таркибидаги энг муҳим бирикма Al фоизи сезиларли даражада ортди. Олтингугурт ва унинг бирикмалари бутунлай йўқотилди. Турли кўшимчалардан тозаланганлиги туфайли зичлиги камайди ва ғовакларининг умумий ҳажми ортди. Бундан кўриниб турибдики, ФМА-2 саноатда фойдаланишга яроқли ҳолатга келтирилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Адсорбционный способ осушки газа. *Шабловский Максим Александрович.* <http://www.allbest.ru/> 2013.
2. Patent US4180554 Method for removal of sulfur deposited on a claus catalyst. Clifton S., Goddin Jr., John W. Palm. US. 2003
3. Алхазов Т.Г. Сернистые соединения природных газов и нефтей / Т.Г. Алхазов, Н.С. Амиргүлян. - М.: Недра, 1989. - 152 с.

ИНВЕРСИОННО-ВОЛЬТАМПЕРОМЕТРИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ИНДИЯ В ПРИСУТСТВИИ КАДМИЯ И ЦИНКА

*Зияев Д.А., Ахмаджонов У.Г., Файзуллаева С.Т., Сайфиев М., Хаитова М.А.
Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека, г.Ташкент*

Известно, что индий получают из отходов (или промежуточных продуктов) производства цинка, кадмия, свинца, меди и олова. В этих материалах содержание индия немного – от тысячных до десятых долей процента. Как правило, в цинковых рудах индий в небольших количествах всегда находится наряду с кадмием. При инверсионно-вольтамперометрическом определении индия в присутствии цинка не наблюдаются никаких ограничений и препятствий, поскольку потенциалы их полувольт ($E_{1/2}$) сильно отличаются друг от друга, причем цинк восстанавливается при значительно более высоком потенциале, чем кадмий. Но тем не менее установлено, что практически невозможно определить небольшие примеси индия в присутствии кадмия.

В свете решения поднятых в работе проблем возникает необходимость в разработке новых, точных, чувствительных и экспрессных методик контроля (мониторинга) содержания индия в кадмийсодержащих объектах окружающей среды, являющейся актуальной проблемой, современной аналитической химии решение которой составляют задачи данной работы.

Одним из перспективных методов решения такой важной и актуальной задачи и достижения поставленной цели является инверсионная вольтамперометрия, обладающая высокой чувствительностью (до 10^{-12} г), у которой аппаратное оформление сравнительно простое, сам прибор доступен и что особенно важно для аналитиков, это то, что одновременно этим методом можно определять до пяти-шести элементов в одной аликвоте анализируемой пробы с высокими метрологическими характеристиками и аналитическими параметрами.

Методика проведения исследования. Инверсионно-вольтамперометрическое определение индия в присутствии кадмия проводилось с использованием фоновых электролитов: хлористоводородной, серной, хлорной и азотной кислот, что сопряжено с некоторыми прикладными затруднениями, связанными с их близкими потенциалами полувольт не позволившими разделить их определение ($Cd = -0,70$ В, а $In = -0,55$ В) и сливающимися в один общий пик. Поэтому, можно считать невозможным дифференцированное определение как индия, так и кадмия в одной аликвоте анализируемой пробы подтвержденное гипотетически, что при таких оптимизированных условиях можно считать практически невозможным.

Используемые приборы и растворы. Исследования проводились на универсальном полярографе ПУ-1 с датчиком ДП-1 и двухкоординатными планшетными потенциометрами ПДА-1 и ЛКД 4-003, электрод рабочий – модифицированный угольно пастовый с площадью рабочей поверхности ($0,03$ см²), электрод сравнения – насыщенный хлоридсеребряный электрод (ЭВЛ-1 М), электрод вспомогательный – спектрально чистый графитовый стержень без изоляции (диаметром 5,5 мм), мешалка магнитная, иономер универсальный ЭВ-74 и рН-метр рН/mV/TEMP Meter P 25 EcoMet корейского производства.

Исходные стандартные растворы индия, цинка и кадмия готовили по точным навескам их азотнокислых солей (х.ч.), растворением в тридистиллированной воде по известным методикам. Растворы же меньших концентраций готовили последовательным разбавлением их крепких растворов тридистиллятом перед началом проведения эксперимента.

Для раздельного инверсионно-вольтамперометрического определения индия и кадмия прежде всего необходимо было в анализируемую пробу вводить раствор иодида калия, затем

подобрать соответственно новые условия восстановления металлов, наблюдающиеся образованием иодидного комплекса - CdI_4^{2-} и восстанавливающегося при потенциале $-0,8$ В, что позволяет определить микроконцентрации индия в присутствии кадмия, обуславливающие раздельное определение оба элемента в одной аликвоте анализируемой пробы.

Методика проведения определения In заключается в том, что 3 мл анализируемой пробы, содержащей смесь растворов солей индия, кадмия и цинка помещают в электролизёр и добавляют фоновый электролит, состоящий из 0,3 мл 0,2 М HCl и 0,5 мл 2,5 М KI. Условия определения: интервал потенциала $-1,0$ до $+1,0$ В, диапазон тока 1,0 мкА, время накопления 1,0 мин., после чего измеряли высоту пика индия (h_x), затем в электролизер пипеткой прибавляли 1,0 мл стандартного раствора индия и снова снимали пик. Количество стандартного раствора индия необходимо взять таким образом, чтобы высота пика исследуемой пробы после добавки удвоилась. Известно [6], что метод добавок может быть использован лишь при условии соблюдения прямопропорциональной (линейной) зависимости высоты пика от концентрации определяемого компонента. После этого измеряли высоту пика (h_1) и если ее изменение от прибавленного стандартного раствора удваивается, то можно определить точное содержание индия в анализируемой пробе по формуле:

$$C_x = \frac{C_{ст} h_x}{h_1 - h_x} \frac{\omega}{v},$$

где $C_{ст}$ – концентрация индия в добавленной стандартной пробы, мкг/мл;

C_x – концентрация индия в анализируемом растворе, мкг/мл;

ω – объем добавленного стандартного раствора, мл;

v – объем аликвоты анализируемой пробы, мл.

Некоторые из данных, полученных при определении индия в присутствии различных концентраций кадмия и цинка приведены в таблице.

Таблица

Результаты инверсионно-вольтамперометрического определения индия в присутствии кадмия и цинка ($P = 0,95$, $n = 5$)

№ /№ п/п	Найдено In, мкг	Найдено In, мкг ($\bar{x} \pm \Delta X$)	S	S _r
1	In(0,37) + Cd(42) + Zn(83);	0,36 ± 0,06	0,05	0,128
2	In (0,50) + Cd(84) + Zn(166)	0,48 ± 0,05	0,04	0,083
3	In (1,01) + Cd(168) + Zn(332)	1,08 ± 0,10	0,08	0,074
4	In (1,26) + Cd(312) + Zn(498)	1,29 ± 0,11	0,09	0,070

Обработка экспериментальных данных реализована методами математической статистики, известными в мировой литературе

Полученные экспериментальные результаты (таблица) показали, что использованием разработанных инверсионно-вольтамперометрических методик определения микроколичеств индия в присутствии больших концентраций кадмия и цинка можно достичь высокой точности и экспрессности его определения с относительным стандартным отклонением, не превышающим 0,128, что позволяет рекомендовать разработанные инверсионно-вольтамперометрические методики определения индия в реальных кадмий и цинксодержащих промышленных материалах.

ИККИ БОСҚИЧЛИ АНОДЛИ ОКСИДЛАНИШ УСУЛИ ОРҚАЛИ Al_2O_3 НАНОТРУБКАЛАРИНИ ОЛИШ

Хамидов А.М., Мусаев Х.Б., Рўзимуродов О.Н., Нурмонов С.Э.

E-mail: a.xamidov8997@gmail.com

Ўзбекистон Миллий университети


Сўнгги йилларда нанозаррачалар ва нанотрубкалар кимёси жадаллик билан ривожланмоқда. Солиштирма сирт юзаси юқори бўлиши сабабли нанотузилишли катализаторлар кимёвий реакцияларни ўтказиш учун оддий катализаторларга қараганда сезиларли даражада кам миқдорда талаб қилади. Металлар асосидаги катализаторлар кимё ва нефтни қайта ишлаш саноатида кенг қўлланилади. Одатда, катализатор ташувчиси сифатида ғовакли керамик оксидлар ташувчи сифатида ва унга ўз навбатида актив металлар киритилади.

Ушбу ишда Al_2O_3 нанотрубкаларини олиш учун анодли оксидланиш усулида электрохимий электролиз жараёни орқали олиб борилди. Дастлаб алюминий пластинка юзасига кумқоғоз билан ишлов берилиб, оксид парда тозаланди, кейин пластинка ацетон эритмасида ва сўнгра ишкор (10%) эритмасида ювилди. Анодли оксидланиш жараёнида электролит эритмаси эҳтиёткорлик билан аралаштириб турилди ва эритма температураси 20-25⁰С оралиғида жараён олиб борилди. Анодли оксидланиш жараёни икки босқичда ўтказилди. Алюминий пластинка ҳар бир босқич оралиғида H_2SO_4 (0.6 mol/l) ва H_3PO_4 (0.15 mol/l) 1:1 нисбатдаги эритмасига солиниб, печга (35⁰С) 1 соатга қуйилди.

Al_2O_3 нанотрубкаларини олиш жараёни куйидаги жадвалда келтирилган.

№	Электролит	Кучланиш, В	Ток кучи, А	Анодли оксидланиш жараёни, соат	СЭМ (нанотрубка ғоваклари ўлчами), нм
1	0,3М (COOH) ₂	40	2	1	351
2	0,3М (COOH) ₂	40	2	1	420

Алюминий пластинка сканерловчи электрон микроскоп (СЭМ)да текширилганда куйидагича натижалар олинди:



Юқоридаги СЭМ натижалари шуни кўрсатдики алюминий пластинка юзасида ғовакликлари турли ўлчамда бўлган нанотрубкалар шакланганлигини кўриш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

О.Н. Рузимуродов, А. Ярбеков, Х. Бутанов, Ш. Маматкулов. Новые катализаторы на основе самоорганизующихся нанотрубок диоксида циркония. *Международная конференция «Современные инновации: химия и химическая технология ацетиленовых соединений. Нефтехимия. Катализ»*, 15–16 ноября 2018г. Ташкент.

КВАНТОВО-ХИМИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА РЕАКЦИОННОЙ СПОСОБНОСТИ ЛИГАНДА 2-АМИНО-5-МЕТИЛТИО-1,3,4-ТИАДИАЗОЛА

Торамбетов Б.С., Кадирова Ш.А., Ешимбетов А.Г.

e-mail: torambetov_b@mail.ru

Национальный университет Узбекистана имени М. Улугбека.

1,3,4-Тиадиазолы и их производные обладают хорошими электронно-проводящими свойствами, высокой термической и химической стабильностью, интенсивно излучают в коротковолновой области видимого спектра, что способствует их широкому использованию при получении высокоэффективных люминофоров. Кроме того, комплексы с производными 1,3,4-тиадиазола являются биологически активными, обладают фунгицидными свойствами, ингибирующей активностью в отношении карбоангидразы, а также антибактериальной активностью [1]. В этой связи целью настоящей работы явился квантово-химический расчет реакционной способности донорных центров в молекуле полифункционального лиганда и целенаправленный синтез металлокомплексов на основе выбранного лиганда.




Рис. Распределение эффективных зарядов на донорных атомах в молекуле по методу DFT/6-31G

Для определения возможных координационных центров и способов координации в молекуле лиганда нами проведен квантово-химический расчет энергетических, геометрических и электронных параметров молекулы 2-амино-5-метилтио-1,3,4-тиадиазола.

Для более адекватной интерпретации экспериментальных результатов по изучению процессов комплексообразования с ионами переходных металлов нами предпринят расчет электронных структур с учетом водородных связей, что более приближено к реальному состоянию молекулы и в лучшей степени соответствует экспериментальным данным. Расчеты молекул выполнены методом DFT/6-31G используя пакета программ Gaussian-03 (в лаборатории Н-1 CSIO) при полной оптимизации геометрических параметров [2].

Согласно расчетным данным наибольший отрицательный заряд локализован на атоме азота аминогруппы (-0.773 e), на атомах азота в третьем (-0.319 e) и в четвёртом (-0.260 e) положениях цикла. Отсюда следует вывод о том, что в реакциях комплексообразования потенциально трехдентатный лиганд L исходя из структурного состояния может проявлять монодентатность или бидентатность.

Литература:

1. Luis M.T. Frija, Armando J.L. Pombeiro, Maximilian N. Kopylovich. Coordination chemistry of thiazoles, isothiazoles and thiadiazoles// Coordination Chemistry Reviews 308(2016) PP.32-55
2. <https://gaussian.com/dft/>

Cu(II) VA Zn(II) TUZLARINING 5,6-DIMETILBENZIMIDAZOL BILAN KOMPLEKS BIRIKMALARINI SINTEZI VA TADQIQOTI

Рахмонова Д.С., Гапурова Л.Н., Олимова М.И., Кадилова Ш.А.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Координацион бирикмалар кимёсининг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири бу таркибида азот, кислород, олтингугурт тутган гетероҳалқали лигандлар билан биометалларнинг комплекс бирикмаларини синтези ва хоссаларининг тадқиқотидир. Координацион бирикмалар кимёсида “таркиб-тузилиш-хосса” орасидаги қонуниятларни ўрганиш асосий вазифалардан ҳисобланади [1,2]. Олинган маълумотлар эса олдиндан белгиланган маълум бир хусусиятли, таркиб ва тузилишли ҳамда бошқа муҳим хоссали янги кимёвий моддаларни мақсадли йўналтирилган ҳолда топиш ва уларни синтез қилиш учун муҳимдир. Айниқса бу тиббиётда қўлланилаётган биологик фаол хусусиятга эга моддалар учун зарурдир.

Бензимидазол асосидаги физиологик фаол бирикмалар молекуласида электрофил ва электрофоб реакция марказлар билан кучли қутбланган гуруҳлар ҳосил бўлади ва бу билан улар биологик фаолликни намоён этиб, ферментлар ёки бошқа рецептик хужайраларни ўраб олиш учун дастлабки реагент вазифасини ўташи мумкин. Буларнинг ҳаммаси маълум тузилиш ва хусусиятли металлокомплексларни мақсадли синтез қилишга имкон беради.

Ишдан мақсад 5,6-диметилбензимидазолни (L) Cu(II) ва Zn(II) тузлари билан комплекс бирикмаларини синтез қилиш ҳамда синтез қилинган комплексларнинг тузилишини ИҚ-спектроскопияси ёрдамида ўрганишдан иборат.

[CuL₂SO₄] комплексининг синтези сувли спиртли муҳитда олиб борилиб, Me:L 1:2 моляр нисбатда 0,001 моль мис сульфатнинг сувли эритмасига 0,002 моль 5,6-диметилбензимидазолнинг спиртли эритмаси қўшилди (pH=7). Реакция 30 минут давомида сув ҳаммомида қиздириш билан олиб борилди, сўнг реакция аралашма кристалланиш учун қолдирилди. Орадан уч кун ўтгандан сўнг яшил рангдаги чўкма тушди, улар филтрланиб, бир неча бор этанолда ювилди ва ҳавода қуритилди. Маҳсулот унуми 75%. T_{суюқ} = 260-262⁰С.

Cu(II) нинг ацетатли ва Zn(II) нинг сульфатли, ацетатли тузларининг 5,6-диметилбензимидазол билан комплекс бирикмаларини аналогик усулда синтез қилинди.

Металл тузларининг лиганд билан ҳосил қилган комплекс бирикмаларининг ИҚ-спектрларида кескин ўзгаришлар кузатилди. 2-амино-5-метилпиридин асосида синтез қилинган комплексларда C=N, N-H гуруҳларига тегишли ютилиш чизикларининг қўшилганлигига гувоҳ бўлди, айрим спектрларда бу ютилиш чизикларнинг қисқариши ва ёйилиши кузатилди. Солиштиришлар асосида комплекс бирикмаларда C=N боғининг симметрик ва ассиметрик валент тебранишларида характерли ўзгаришларни кузатиш мумкин. Комплекслар ИҚ-спектридаги ν(C=N) гуруҳининг валент тебраниш частоталари 1627-1686 см⁻¹ соҳаларда кузатилган, эркин лиганд (C=N) гуруҳининг валент тебраниш частоталарига нисбатан Δ=4-56 см⁻¹ қийматида қуйи частотали соҳага силжиган (жадвал). Бу ўз навбатида лигандларнинг марказий ион билан координацион боғ ҳосил қилиш жараёнида, металл иони лигандлар молекуласидаги эндоциклик азот атоми билан координацион боғ ҳосил қилганини исботлайди.

Комплекслар спектрларининг 3436-3408 см⁻¹ соҳасидаги бир қатор тебраниш частоталари (NH₂) га тегишли характерли симметрик ва ассиметрик валент тебранишларига тааллуқлидир.

Лиганд ва унинг асосидаги комплексларнинг ИҚ-спектрларидаги асосий тебраниш частоталари (см⁻¹)

Бирикмалар	$\nu(\text{NH}_2)$	$\nu(\text{CH})$	$\nu(\text{C}=\text{N})$	$\nu(\text{O}-\text{M})$	$\nu(\text{N}-\text{M})$	Бошқа тебраниш частоталари, см ⁻¹
L	3440	2859	1631	-	-	-
